

## ГАЗ ВА ЭЛЕКТР ТАҚЧИЛЛИГИДАН ЎЗБЕКИСТОНГА “ҚИЁМАТ” КЕЛДИ



Ўзбекистонда киш мавсуми кириши билан мамлакат аҳолиси газ йўқлиги ва электр таъминотида узилишлардан азоблана бошлапти. Қизиғи шундаки, илгари бу муаммолар ҳақида индалмас эди, аммо ҳозир маҳаллий ОАВ шу мавзунини кўтариб чиқадиган бўлди.

Мисол учун, кеча Жиззах вилояти телевидениеси Жиззахда 20-25 ноябрь кунлари аҳолига газ узилишлар билан етказилгани боис тўққиз кишининг захарлангани ҳақида хабар берди.

“Сангзор” маҳалласида истикомат қилаётган одамлар сал бўлмаса исгаздан ҳалок бўлаётдилар: улар тунда печкаларини ёқиб қолдирганлар, аммо газ келмай қолиб бир оз ўтганидан сўнг яна кела бошлаган. Шунда ёнмай қолган газ хонадонларни тўлдира бошлаган. Одамлар ўз вақтида уйғониб ҳалокатнинг олдини олдилар, аммо уларни оғир аҳволда касалхонага етказилди. Худди шу каби воқеалар бошқа маҳаллаларда ҳам содир бўлган. Бирок бунақа воқеалар ҳақида Ўзбекистоннинг ҳар қандай бурчагида яшайдиган одамлар ҳам сўзлаб беришлари мумкин.

Жиззах вилоятидаги қишлоқларнинг 70 фоизида табиий газ баҳордаёқ ўчиб бўлган. Экспертларнинг тахминига кўра, бу йил Ўзбекистон аҳолисининг учдан бир қисми уйлариини ўтин ёки кўмир билан иситишга мажбур бўладилар. Экспертлар аҳолини арзон кўмир билан таъминлаш бўйича расмийлар тарафидан ишлаб чиқарилган

комплекс чора-тадбирларни ўрганиб чиқиб, советлар даврида Ўзбекистонда газлаштирилган аҳоли пунктларининг сони йилдан йилга кўпайганидан фарқли ўлароқ, муस्ताқиллик даврида бундай қишлоқларнинг сони камаётганини қайд этдилар.

Қизиғи шундаки, бу ишларнинг ҳаммаси маҳаллий матбуотда газлаштириш даражаси кўтарилаётгани ҳақидаги баландпарвоз хабарлар кабагида ўтаяпти.

Шу билан бирга, аҳолининг “газ таъминотида нега узилишлар бўлаяпти?” деган ҳақли саволига расмийлар аҳолининг дебитор қарзлари миқдори жуда катта бўлиб кетгани билан изохлаяптилар. Ҳолбуки, бир неча йилдан бери расмийлар коммунал хизматлар учун тўловларни мажбурий равишда ва ҳатто одамларнинг иш ҳақи ва пенсияларидан олдиндан ушлаб қолаяптилар.

Самарқандлик журналист Тошпўлат Раҳматуллаев ўзининг блогида ёзишича, Самарқанд шаҳар аҳолисининг коммунал тўловлар бўйича қарздорлиги турли мажлисларда ўқиб эшиттирилган маълумотларга кўра, 75 миллиард сўмни (\$38 млн) ташкил этар экан.

Мисол учун, биргина Самарқанд тумани Чармгори маҳалласидаги 80 та оиланинг қарзи 2 миллиондан 4 миллион сўмгача экан. Маҳалла фуқароси Ўлмас Юнусовга кўра, унга 2,8 миллион сўм қарз ёпиштириб қўйишган. “Аммо маҳалладан на мен ва на бошқа одам райгаз шунча қарзни қаердан олганини билмаймиз: бизда уч йилдан бери газ йўқ. Назоратчи бирор марта ё менинг уйимга ё кўшниларимникига келмаган. Шунча қарзни компьютер қаердан олди?” – дейди самарқандлик ака хайрон бўлиб.

Самарқанддан олинган хабарларга кўра, шаҳар четида ҳақиқатда газ йўқ, шаҳарнинг қолган қисмида босим жуда паст. Одамлар хавотир ила қиш келишини кутиб ўтиришибди, ахир одамлар газдан биргина овқат пишириш учун эмас, балки уйлариини иситиш учун ҳам фойдаланадилар.

Газ таъминотидаги тақчилликлар боис ҳамма электр асбобларини ишга солгани учун электр узатиш линиялари юкланишни кўтара олмай трансформаторлар ёниб кетаяпти ва оқибатда Самарқанд аҳолиси бир-неча соатлар давомида светсиз ўтиришга мажбур бўлаяпти.

“Самарқандда “қиёмат кунини” етиб келди дейдиган аҳвол юзага келган”. Свет ўчиб ёнаверганидан самарқандликларнинг электр асбоб ва жиҳозлари яроқсиз ҳолга келиб қолди.

Наманган маҳаллаларида назоратчилик қиладиган газ таъминоти идорасининг ходими айтишича, у ишлайдиган газ таъминоти корхонасининг директори Тошкентдан жуда тушқун кайфиятда қайтиб келган, негаки шу кунларда шаҳар газ қувурларидаги босим ўтган йилнинг қиш мавсумидаги босимнинг ярмига ҳам етмаган экан.

Тошкентда ҳам аҳвол жуда “зўр” эмас: мамлакат пойтахтининг микро-районларида суткасига уч-беш соатдан электр узилишлари тартиби жорий этилган. Бунинг сабаби – СССР давридан бери фаолият юритаётган электр қуввати корхоналари шаҳар эҳтиёжини қоплай олмаётганидир. Ўзбекистонда мустақилликнинг 21 йили мобайнида бирорта янги иссиқлик ёки гидроэлектр станцияси қурилмади. Шунинг учун ҳам келаётган қиш мавсумида халқнинг аксарият қисми электр, газ, ёқилғи тақчиллигини бошидан кечириши муқаррар.

Юқорида санаб ўтилган барча қийинчиликлар кабагида Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатдан экспорт қилинаётган табиий газ ва электр энергияси улушини кўпайтираётгани кишини нафақат ажаблантиради, балки ғазаблантирмай иложи йўқ.



## ЎХХНИНГ КАНАДА БЎЛИМИ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ

29 ноябр куни ЎХХнинг Канада бўлимининг навбатдаги йиғилиши ўтказилди. Ванкувер шаҳрида истиқомат қилувчи Ҳаракат фаоли Пирмуҳаммад Холмуҳаммаднинг айтишича, сўнги икки ой ичида бўлим аъзолари таркибида ва фаолиятида бир мунча ўзгаришлар бўлди.

Бўлим фаоллари Канадада истиқомат қилаётган Ўзбекистонлик орасида ўзларига маслакдошлар топиш ҳамда уларга ЎХХнинг мақсад ва ғояларини етказиш бўйича ишларни сусайтиришмаяпти. Интернетдаги ижтимоий тармоқлар ва электрон почталар, ҳамда мобил алоқа воситалари ёрдамида эса Ўзбекистонда яшаётган ватандошлар билан алоқалар ўрнатишмаяпти.

Бўлим фаоли Ғайрат Холматовнинг билдиришича, рус тилида нашр этилиб, Канада ва Америкада тарқатиладиган ЎХХ Канада бўлимининг расмий органи бўлган “Регистан” варақасини эндиликда ҳар ойда икки маротабадан чиқариш ҳам йўлга қўйилиш арафасида. Газета чиқаришдаги молиявий муаммолар ҳам ўз ечимини топди.

“Йиғилишда маслаҳатлашиб оладиган ишларимиз кўп. ЎХХ олиб бораётган ишлар ҳақида биргина ўзимиз билишимиз кифоя эмас, мана шундай ташкилот борлиги ва унинг мақсади

Ўзбекистонга эркинлик ва ҳуррият олиб кириш экани ҳақида ҳар доим ватандошларимизга хабар бериб туришимиз лозим. Матбуотда, хусусан интернетда чиқишларни кўпайтиришимиз керак ва бугунги йиғилишда кўпроқ шу ҳақда фикр алмашсак, яхши бўларди” деди йиғилиш олдида ташкилот фаоли Ғайрат Холматов.

ЎХХнинг Канада бўлими йиғилишини очар экан, бўлим фаоли Пирмуҳаммад Холмуҳаммад, ҳар ҳафта ўтказиладиган ЎХХ Марказий кенгашининг охириги онлайн йиғилиши ҳақида йиғилганларга гапириб берди.

Марказий кенгашдан келган сўнги

тавсиялар ва кўрсатмалар муҳокамаси ҳам анчайин қизгин кечди. Йиғилиш иштирокчилари ушбу тавсиялар ҳақида бафуржа фикр алмашдилар.

Сўнгра кун тартибидаги биринчи масала бўлган, бўлимнинг молиявий ишларидаги вазият кўриб чиқилди.

Масала юзасидан чиқиш қилган Шухрат Курбоннинг айтишича, бўлим фаоллари кейинги 1 ой ичида молиявий масалаларга эътиборни сусайтирдилар. “Бўлим аъзоларидан келаётган молиявий тушум пасайиб кетди. Агар сусткашликнинг олдини олмасак, бўлимимиз томонидан ташкиллаштириладиган баъзи тадбирларнинг амалга ошиши савол остида қолиши мумкин” деди Ҳаракат аъзоси Шухрат Курбон.

Шухрат Курбон йиғилиш иштирокчиларига молиявий муаммоларни ҳал қилиш бўйича ўз таклифларини киритди. Таклифлар борасида мунозараларда сўз олганлар, масала фавқулодда муҳимлигини эътироф этган ҳолда, Шухрат Курбоннинг фикрларига кўшилишларини билдиришди.

Йиғилишда кўриб чиқилган иккинчи масала, “Регистан” варақасини нашр этиш масалаларига бағишланди.

“ЎХХнинг дунёдаги биронта ҳам бўлими ўзининг расмий босма нашрига эга эмас. Ҳозирча фақат бизнинг Кана-

да бўлимимизгина ўзининг расмий нашрига эга” деди масала бўйича чиқиш қилган журналист Улуғбек Ҳайдаров.

“Тўғри, бизнинг “Регистан” газетамиз “ВАНКУВЕР ЭКСПРЕСС” кўп тиражли газетига илова тарзида чоп этилаяпти. Бироқ шунинг ўзи ҳам Канадада ҳамда Американинг баъзи катта шаҳарларида яшайдиган ва рус тилида сўзлашадиган аҳоли ўртасида бизнинг фаолиятимиз ҳақида маълум бир тасаввур уйғотяпти”, деди У.Ҳайдаров.

Журналист ўз чиқишида, молиявий муаммо, “Регистан” иловасини нашр этишдаги катта тўсиқ бўлиб қолаётганини айтди.

“Газетамиз бир маромда ва узлуксиз чиқиб туриши учун бугун мана шу ерда ушбу муаммонинг ечимини топиб кетишимиз керак, зеро биз бунга қодирмиз” деди яна У.Ҳайдаров.

Муҳокамалардан сўнг, газета учун лозим бўлган маблағни йиғиш бўйича масъул тайинланди ва ҳар ойнинг 15 санасида бўлим раҳбарига ушбу масала бўйича ёзма ҳисобот берилиши келишиб олинди.

Йиғилишда кўриб чиқилган яна бир масала, ЎХХ Канада бўлими фаолларининг аъзолик бадаллари миқдори ҳақида эди. Кўпчилик масала бўйича ўзларининг аниқ таклифларини киритди. Мунозаралардан сўнг, аъзолик бадалининг реал миқдори белгиланди ва ҳар ойнинг белгиланган куни йиғилган маблағ ташкилотнинг молиявий масалалар бўйича масъулига топшириладиган бўлди.

Йиғилиш сўнгида, ЎХХнинг Канада бўлими раисини қайта сайлаш масаласи кўриб чиқилди. Ҳаракатнинг раиси Марат Насибуллин Канада бўлимининг ички лойиҳалари бўйича олиб борилган ишларда банд бўлиб қолаётгани учун, бўлим раислигидан ўз хоҳишига кўра бўшатилди.

Ҳаракатнинг Канада бўлими раиси этиб, кўпчиликнинг овози билан Шухрат Курбон сайланди.

Шу билан ЎХХнинг Канада бўлимининг навбатдаги йиғилиши ниҳоясига етди.

**ЎХХ хабар маркази**

## ЎЗБЕКИСТОНДА 10 ОЙДА 3367 КИШИ СПИДГА ЧАЛИНДИ

2012 йилнинг 10 ойи давомида Ўзбекистонда 3367 та ОИТВга чалинган фуқаро қайд этилган. Уларнинг кўпчилиги Тошкент шаҳри ва Андижон вилоятида истиқомат қилади.


Статистик маълумотларга кўра, ОИТВга чалинганларнинг 52.5% эркаклар ва 47.5% фоизи аёллардир. Улар асосан 20-49 ёш тоифасига тўғри келади.

OLAM.uz нашрининг Республика ОИТСага қарши кураш марказига таяниб хабар беришича, Ўзбекистонда

ОИТВга чалинишлар сони 2009 йилда жуда кўпайган, шу йили улар 4006 кишини ташкил этган. 2010 йилда 3795 та, 2011 йилда 3584 та ҳолат аниқланган.

2011 йил охиридаги кўрсаткичлар бўйича айни пайтда жаҳонда ОИТВга чалинган 34 млн. киши яшайди. Фақатгина 2011 йилнинг ўзида 2,5 млн. та янги чалиниш ҳолати қайд этилган.

Йил натижалари бўйича ушбу хасталиқдан ўлиш сони 1.7 млн. га етган.



27 ноябрь куни Қарши шаҳри кўпдан бери кутилаётган суд жараёнига старт берилди. Маълумки, Ўзбекистондаги коррупцион режимнинг Қаршидаги ҳамтовоқлари, Қораевлар оила-сига тиш қайраган ва турли-туман ифвогарона ҳаракатлар билан уларни бирин-кетин айбдор қилмоқда. Қораевлар эса режимга нисбатан танқидий кўзқарашда бўлганлари учун ҳам бугун жавобгар қилинмоқда.

Маълумки, камина Тўлқин Қораев бу судланаётганларнинг акаси бўлган ва каримовчилар истибдодига қарши бош кўтариш ортидан, бугунги кунларда Швецияда сиёсий қочқин мақомида яшаб келаман. Синглим Гулшан эса Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамиятининг Қашқадарё вилоят бўлими раисидир ва у айниқса ўз худудидаги оддий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ёритиб бориши билан режимнинг қора рўйхатига тушди.

Қарангки, бу коррупционерлар мана шу оддий ижтимоий муаммоларнинг ёритилишига ҳам тоқатлари йўқ. Яъни, “бизда ҳамма нарса аъло, Ўзбекистон тараққий этаяпти ва халқимиз ҳукуматдан, доно раҳбар Президентимиздан мингдан-миг рози” қабилидаги хабарлар тарқалишига розилар, ҳолос.

Лекин ранг кўр, ҳол сўр деганларидек, мамлакатдаги иқтисодий инқироз асл аҳволни кўрсатиб турибди. Ўзбек ўғлонлари ва қизларининг йирик бир қисми Россияда мардикор бўлса, тагин қанча фуқаролар турли хориж мамлакатларида қочқин. Кўпчилик Ўзбекистонни тарк этишни истайди, аммо 30 миллионга яқинлашиб қолган бу оломонни қайси мамлакат ўз бағрига оларкин?

Қарши шаҳар жиноят ишлари суди Қораевларга нисбатан очилган жиноят ишларини уч босқичда кўриб чиқишга қарор қилган. Биринчи босқичда, яъни бугун 26 ноябрь кунида милициянинг талаби билан жанжал чиқарган Ойдин Ортиқова ва унинг қизи Барно Адамбоевалар иши маъмурий тартибда кўриб чиқилди ва суд Барно Адамбоевага энг кам ойлик иш ҳақининг икки миқдоридagi жарима билан жазо берди. Бу кўпи билан 50 АҚШ доллари демакдир!

Энди эса Санжар Қораев ва унинг аёли Зилола Пўлатовалар Ўзбекистон ЖКнинг 109 моддасига кўра судда жавоб беришлари керак. Мазкур моддага ва унинг талабига бир назар ташлайлик.

109 модда – қасддан баданга шикаст етказиш. “Соғлиқнинг қисқа муддатга ёмонлашувиغا ёки меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқолишига олиб келмаган қасддан бадан-

га энгил шикаст етказиш ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

## БИЗГА ТАШҚИ ДУШМАН КЕРАК ЭМАС!



Соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувиغا ёки умумий меҳнат қобилиятининг унча узоқ бўлмаган муддатга йўқотилишига сабаб бўлган қасддан баданга энгил шикаст етказиш — энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади”.

Кўришиб турибдики, Ўзбекистон ЖКнинг 109 моддаси айни жиноятни маъмурий жазо қўлланилганидан кейин тагин содир этганларга нисбатан қўлланилади.

Аммо кодекснинг бу талаби на терговчини ва судни қизиқтиради. Улар тушматона тайёрлаган жиноят ишлари қонунга хилоф келганидан ҳам мутлоқ ховтирламаяптилар. Бу эса Ўзбекистонда қонун устиворлиги эмас, балки қонунларнинг пайдар пай ишлатилишини кўрсатапти.

Маълумки, на Санжар Қораев ва на унинг оиласи Зилола Пўлатова маъмурий жазога тортилмаган. Нега терговчи ва судьялар қонун девори устидан ҳатлаб ўтишди экан? Албатта бу саволга жавоб йўқ! “Биз ўзимиз билганимизнинг қиламиз”, — дейишади Ўзбекистондаги қонун посбонлари. Ҳар неки, буни жамоатчиликга ошқора айтмасаларда, ҳар қалай саслари чиқармай шуни таъкидлашади.

Гулшан Қораевани нима кутаяпти? Унга нисбатан ҳам Ўзбекистон ЖКнинг 139 ва 140

моддаларида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги бўйича жиноят иши очилган. Яъни, илгариги хабарларимиздан маълумки, у айнан ўша тескари қаҳрамонлар, Ойдин Ортиқова ва унинг қизи Барно Адамбоеваларни интернет нашрлари орқалик “фоҳиша” деб атаган. Бунга далил борми? Йўқ, аммо далилга ҳожат ҳам йўқ. Милиция истаса ҳамма нарса далил бўла олади.

Масалан, Гулшаннинг Ўзбекистон Инсон Ҳуқуқлари Жамияти веб саҳифасида энлон қилган “Қачон терговчилар окни қораданажратишни ўрганишаркин” деб номланган мақоласидаги баъзи жумлалар терговчининг фойдасига ўзгартирилган. Мақолани қуйидаги йўлланма билан ўқиш мумкин: <http://uz.hrsu.org/archives/4102>.

“Сизнинг қўл остингиздаги қонун посбонлари ардоқлаётган она-бола “жабрланувчилар” аслида бошқаларга жабр етказувчилардир”, — дея айтилган сўз — “Сизнинг қўл остингиздаги қонун посбонлари ардоқлаётган она-бола “жабрланувчилар” аслида бошқаларга жабр етказувчи фоҳишалардир”, — дея ўзгартирилган. Хўш, нега? Чунки топшириқ шундай! Изла, ўйла, топ ва жазола! Юқоридан буйруқ келдими, терговчиларимиз қонун-понун деб ўтиришмайди.

Гулшан қандай жазо олишини яқин кунлар кўрсатади. Аммо Ўзбекистонимиз нафақат зиммасига олган халқаро мажбуриятларини, балки ўзининг ички қонунларини ҳам оёқ ости қилиб келаяпти. Ахир Қоравларга нисбатан очилган жиноят ишлари ЖК талабларига ҳам мос келмаяптику. Нега бу иш тўхтатилмайди? Сўнги маълумотларга кўра, терговчи Илҳом Шералиев қандайдир веб саҳифадан ўз сўзининг исботини “топган ҳам”. Фақат у қанақа исбот, қайси интернеит саҳифасидан олинганлиги ҳозирча бизга номаълум.

Қизиқ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, ИИБ, МХХ, Республика Олий Суди каби нуфузлик идоралар қаёққа қарашаяпти экан? Ахир берилаётган ҳар бир қурбон учун, ҳар бир тўқима айбномалар ва жазолар учун, қамоқхоналарда ўлаётган ҳар бир маҳбус учун мамлакатнинг обрўси тушиб бораяптику.

Бу уларни ташвишга солмайди-ми? Ҳа, ташвишга солмайди! Чунки бу порахўрлар мамлакатнинг ҳам, халқнинг ҳам душмандир! Ўзбекистонни баробод қилиш учун ташқи душманга ҳожат йўқ, ичкаридаги мана шу душманларнинг ўзи уни йўқ қилади!

Тўлқин Қораев

Хали жамоатчилигимиз яхши танимайдиган асли сибирлик ўзбеклардан Абдурашид Иброҳимнинг “Ислом олами” номли саёхатномасида бир кисса бор: (Абдурашид Иброҳим 20 асрнинг бошларида яшаган машҳур олим ва саёхатчидир. Жумладан у Японияда Ислом динини илк ёйган олимлардан бири сифатида танилган .НН.) Ҳиндистонда икки олим бор экан. Улар доимо жамоатда илмий баҳсу мунозара қилишар экан. Бир куни шу олимлардан бири вафот этибди. Унинг вафотидан кейин иккинчи олим ҳам жамоатга қатнашмай қўйибди. Шунда жамоатдагилар унинг ёнига бориб, рақибингиз вафот этди, энди жамоат сизга қолди, орамизга келинг, дейишибди. Шунда ҳаётда қолган олим шундай деган экан: Мени тушунадиган бир одам бор эди. У ҳам ўлди. Энди нима қиламан у ерга бориб... Яъни, қуш тилини қуш тушунади. Инсонлар бу икки олимни бир бирига рақиб, дея ўйлашган, аслида эса улар баҳс мунозара қилишса ҳам, бир бирини яхши тушунишган. Шунинг учун ҳам зимдан бир бирини яхши кўришган ва бири вафот этганда иккинчиси ҳузун ичида қолиб, мени тушунадиган бир одам бор эди, у ҳам вафот этди, дея дардини тилга келтирган...

Мен ҳам (олим бўлмасамда) баъзан “қани энди, биз муҳолифатдагилар ҳам, жўяли баҳсу мунозаралар қилиб, қўлимиздан келганича аввал ўзимизнинг, қолаверса бизга эргашганларнинг илмий ва амалий савияларини ортиришга хизмат қилсак эдик”, дея ўйлаб қоламан. Аммо бунинг ўрнига номаъқул гапларга, ёлғону тухматларга жавоб беришга, қандайдир “Фаммона”ларнинг иғво бўхтонларини йўққа чиқаришга вақтинг кетади. Жавоб бермасанг, булар андишанинг отини кўрқоқ қўйиб ҳаддидан ошишади, жавоб берсанг шуларга вақтимни кетказдим, деб ҳўрсиниб юрасан киши...

“Бирликчи” Пўлат Охуннинг бир мақоласини ўқиб, шу хаёлларга бордим. Ўзбекларда мен нима дейману, қўбизим нима, дейди деган мақол бор. Қўбиз лабга қўйиб чалинадиган куй асбобидир. Аммо куй чалувчи билан қўбизнинг дарди ҳар замон ҳам бир бўлавермас эканда...

Пўлат Охунов ким ўзи? У Швецияда яшайди. У ерда яшаса майли, менинг ўзим ҳам яқин кунларгача қўшни давлат Норвегияда яшардим. У шу давлатларнинг ва умуман ғарб ҳаётининг, бу ҳаётнинг асоси ҳисобланадиган секуляр (атеизмнинг бир шакли, яъни динсизлик, имонсизлик) давлат фалсафасининг ошиғидир. Унинг бу ишқи қаршисида Фарҳоду Алпомишларнинг ишқу савдоси кўзга кўринмай қолади. Бошқа сўз билан айтадиган бўлсак, Пўлат Охунов ақаси, ўзбеклар ичида “харомий”, “қорамол”, дея танилган Абдурахим Пўлат билан бирга секуларизмнинг, атеизмнинг, моддапарастликнинг (материализмнинг) радикал,

фундаментал ва ҳатто айтиш мумкинки, фикр террорчиси даражасида тарғиботчисидир. Булар Туркистонни бир ярим аср давомида қон йиғлатган босқинчиларнинг бизга ташлаб кетган “ярим биздан, ярим улардан” меросчиларидир. Шунинг учун ҳам Пўлат Охунов ўзбек тилини ҳам эплаб билмайди, тилимизда ёза олмайди, ўзининг фикр мағзаваларини рус тилида тўқади. Шунинг учун ҳам ҳажга саёхатга бориб келган бўлса ҳам, ароқ ичишни қанда қилмайди. (Менга бу ҳақда Исмоил Дадажон айтган). Балки у ҳам ақаси ва устози Абдурахим Пўлат каби бир вақтлар КГБга ёлланиб, унинг ҳозирги шакли

## ПЎЛАТ ОХУНОВГА ЖАВОБ

бўлган МХХга хизмат қилаётгандир.

Шундай бўлмаса, дунёи олам диктатор деган Ислом Каримовни, Пўлат Охунов “Йўқ Каримов диктатор эмас, у фақат қаттиққўл (авторитар) сиёсатчидир”, дермиди? У бу гапни Фарғона агентлигида эълон қилган мақоласида айтган.

Яқинда Швецияда бир аёл склет билан (қандай ахлоқий тубанлик) жинсий алоқада айбланди, бундан бир икки йил аввал Швецияда бир ота ўз қизини подвалада қамаб, йигирма йилга яқин ўз қизи билан (даҳшатли ахлоқий тубанлик) жинсий алоқада бўлиб, бир неча фарзанд кўрганлиги хабари тарқалган. Германияда бесоқолбоз рухоний ота (ақлга сиғмайдиган ахлоқий тубанлик) ўз ўғли билан бесоқолбозлик қилган... АҚШда яқинда бўлиб ўтган Президентлик сайловларидан кейин бу лавозимга қайта сайланган Обама ғалаба нутқида шундай деди: Биз ҳаммамиз, яъни эркагу аёл, ёшу қари, оқу қора, гемосексуалу... ва ҳақозалар бирмиз. Нега АҚШ Президенти шундай деди. Чунки бу давлатда эркагу аёл жинсий ҳасталарнинг (гемосексуал эркаклар ва лесбиян аёлларнинг) нисбати бешдан бирга яқинлашиб қолган. Яъни, ҳар беш эркак ва аёлдан бири жинсий ҳаста...

Бу ахлоқий тубанликлар “ярим биздан, ярим улардан”, “ярим хожи, ярим ароқхўр” Пўлат Охуновнинг радикал ва фундаментал шаклда тарғиб қилаётган ғарбона секуларизмининг “меваларидир”. Балки у ҳам бир кун келиб ўзбекларнинг бешдан бирининг шундай жинсий касалликларга чалинишини истар. Баъзилар ғарб фақат ахлоқий тубанликлардан иборат эмаску, бу ерларда инсон ҳуқуқларига, сўз ва матбуот эркинлигига, сайлаш ва сайланиш эркинлигига ҳам ўрин берилган, дейишлари мумкин. Бу ҳам қисман ҳақиқат, фақат ғарб секуларизмининг жожеаси тўғрени нотўғридан, ҳалолни ҳаромдан ажрата олмаслигидир. Бошқа сўз билан айтганда, бу тузумнинг фалсафаси паловни чўчка гўшти билан пишириш, кейин бундай “мазали” ошни Пўлат Охунов ва қари

шайтон Абдурахим Пўлатов билан бирга ароқ ичиб, ейишдир. Булар менинг куруқ иддоам эмас, булар шу икки “ярим биздан, ярим улардан” таклиф қилаётган “Имоний” мазҳабининг натижалари ҳамдир. Абдурахим Пўлат асосчиси, Пўлат Охунов тарғиботчиси бўлган бу “мазҳабга” кўра, бир киши Аллоҳга имон келтирдим, деса бўлди. Шу билан у иймонли ҳисобланади. Аллоҳ ҳеч нарса фарз қилмаган ва ҳеч нарса ни ҳаром қилмаган. Яъни, намоз ўқиш, закот бериш, рўза тутиш, ҳажга бориш фарз эмас. (Ундай бўлса Пўлат Охунов нега ҳажга борган экан?). Шунингдек, ароқ, чўчка гўшти, судхўрлик (фоизхўрлик) ҳаром эмас. Менку майли оддий мусулмонман, Абдурахим Пўлатов ва Пўлат Охунов Исломни озми, қўпми биладиган олимлардан бориб сўрасинлар: Биз Аллоҳга ишонамиз, аммо У бизга фарз қилган ибодатларнинг фарзлигини рад қиламиз, Аллоҳ таоло ҳалол қилган нарсаларни ҳалол, ҳаром қилган нарсаларни ҳаром, демаймиз, биз ҳақимизда нима дейсиз, дея сўрашсин. Жавоб мутлақдир: Сизлар кофирсизлар...

Ишнинг шу нуқтага келтириш шартмиди? Эй ғофил бандалар, нега сизлар ўзларингизнинг ҳавойи нафсингизга эргашиб, Аллоҳ таолонинг ҳукмларини инкор қиласизлар? Нега ҳамма диктатор дейдиган золимни, диктатор демайсизлар? Нега мусулмон халққа ғарбона ақидани ва ҳаётни раво кўрасизлар? Ўзларингиз чўчка гўштини ароқ билан еб ётсангизлар майли, аммо судхўрлик ғарб дунёсидаги бир миллиард инсонни семиртириб (масалан АҚШ да 60 миллион киши, яъни 20% инсонлар семизлик касалига чалинган), қолган олти миллиард инсонни зор қашатаётганини билмайсизларми? Бир кишининг ёмонлиқни билмай қилиши бошқа, билиб қасддан қилиши бошқа нарсадир. Ёмонлиқни билиб қиладиганларга золимлар, дейилади. Пўлат Охунов ва Абдурахим Пўлат судхўрликнинг (фоизхўрликнинг) инсониятни қон йиғлатаётганини билади ва билиб туриб уни ҳимоя қилади бу золимлар...

Бунинг чораси ўрта йўлни танлашдир. Ақидада Аллоҳни ягона Илоҳ ва Роб, деб билиш, Унинг ҳукмларини шубҳасиз қабул қилиш ва уларга бўйин эгишдир. Мана шу Ислом динидир, мана шу мусулмонликдир. Мана шу “нормал” диндир. Мен ярим хожи, ярим пиёниста Пўлат Охуновни тушунишга ҳаракат қилиб кўрдим: Унинг ва унга ўхшаганларнинг жожеаси Исломни ғарбдаги дин, яъни роҳиблик дини, асли ўзгариб христіанлик шаклини олган “дин”, деб билишларидир. Тўғри бундай динда дунёвийликка ўрин йўқ. Бундай дин таркидунёчиликни, умрни черковда ўтказишни, эркакларга уйланмасликни, аёлларга турмушга чикмасликни раво кўрадиган “диндир”. Бундай дин учун ғарбона секуларизм чора бўлиши мумкин.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинга саҳифада)

Аммо бу динга Исломининг нима алоқаси бор? Ислому “Эй Роббимиз, бизга бу дунёда ҳам, охирада ҳам яхшиликлар ато қилгин”, дея келган диндир (Бақара сураси 201 оят). Исломда дунёвийлик, яъни, мусулмонларнинг ҳаётида дунёвийлик нормал жиҳатлардир. Биз ҳам шундай “нормал” мусулмонлармиз. Аммо Пўлат Охунов ва Абдурахим Пўлатовга кўра Ислому динимиздир деган ҳар қандай мусулмон радикалдор, фундаменталистдир. Бошқа сўз билан айтганда Ислому “охира ва дунё кадрятларининг мажмуасидир”, “накл (вахий) ва ақлнинг фаолият майдонидир”. Демак, Исломда яшаш, ҳалол нарсаларни еб ичиш, ҳалол йўл билан (никоҳ ўқитиб) жинсий алоқа қилиш, ўқиш, ўрганиш, фикр юритиш, илмий тадқиқот қилиш, сайлаш, сайланиш буларнинг барчаси жоиздир, ҳалолдир, руҳсат берилган ишлардир...

Яна Пўлат Охунов ўз мақоласида бизларни Ҳизбу тахрирчилар билан ҳамкорликда айблади.

Пўлат Охунов ва Абдурахим Пўлатов ўзларининг “имоний мазҳаби”, радикал ва фундаментал секуларизми билан куфрнинг (сўлчиликнинг) энг узок нуқтасида ўрин олган бўлсалар, ҳизбчилар ўзларининг “халифалик” ақидаси (Исломининг ақидаси тавҳиддир), бу ақидага эргашмаган ҳаммани куфрда айбашлари, му-

## ПЎЛАТ ОХУНОВГА ЖАВОБ

сулмонларнинг фуқаровий жамият (“Исломию демократия” бу фикр машхур олим Юсуф Қарзавийга оиддир) куриш ҳуқуқларини рад этишлари билан ўнг томоннинг узок нуқтасида ўрин олганлар. Бизнинг турган ўрнимиз на Пўлат Охунов ва Абдурахим Пўлатовнинг сўл (куфр) радикалиги на да “ҳизбчиларнинг” ўнг радикалигидир. Биз мусулмонлармиз, муҳофазакорлармиз, динимизни ҳам, дунёимизни ҳам яхши кўраимиз. Шу шаклда биз ўрта йўлни танлаганмиз. Биз халқимизга биз мусулмонмиз (Ўзбекистон аҳолисининг 95% му-

сулмондир), шундай экан келинг Роббимиз марҳамат қилган ўрта йўлдан (Бақара сураси 143 оят) юрайлик, нақлга бўйин эгайлик, унинг доирасида ақлни ишлатайлик, охирада ишонайлик, аммо дунёни ҳам унутмайлик, ҳокимиятни Аллохники, деб билайлик, аммо ҳукумат ишида сайлаш ва сайланишни йўлга қўяйлик, бундай ўрта йўлда сўз, фикр, матбуот эркинлигидан, сайлаш ва сайланиш эркинлигидан, инсон эътиқодининг, жонининг, ақлининг, мол мулкининг номуси ва ирсининг дахсизлиги доирасида, фойдаланайлик, демокраммиз. Бунинг нимаси ёмон, бунинг нимаси инсонликка тўғри келмайди?

Ҳеч шубҳасиз бу йўл инсонийликка тўғри келадиган йўлдир. Аммо бу йўл Пўлат Охунов ва Абдурахим Пўлатовлар танлаган шайтонийлик йўлига тўғри келмаслиги ҳам аниқ. Аммо Аллохдан умид кесилмайди, уларнинг ҳам бу инсонийлик йўлини танлаш фурсатлари ҳали бор...

Намоз Нормўмин

## КИСЛОРОДДА НАФАС ОЛАЁТГАН ТУЗУМ

Халқини қашшоқликка маҳкум қилган, давлат ҳазинасини четга ташиб бўшатган, АЙНИ КУНДА РЕАНИМАЦИЯДАГИ БЕМОР КАБИ КИСЛОРОДДА СУНЪИЙ НАФАС ОЛАЁТГАН ҚОНХЎР РЕЖИМ эгаси, мунофиқ Диктатор мамлакатнинг бўшаб қолган ҳазинасини сал-пал қаппайтиришининг ва амал-тақал тирикчилик қилаётган халқини талашнинг янги усулини жорий қилди. Бу ЖАРИМА!!!

Шу кунларда жарима ундириш шу қадар оммалашдики, унинг ёзилган ва ёзилмаган қонунларига ҳар қадамда тўқнашасиз. Масъуллар агар истаса, ҳар қандай одамни, ҳатто бутун Ўзбекистон аҳолисини истаганича жаримага тортиши мумкин. Эгри сиёсат, ишсизлик, қашшоқлик ҳукм сурган давлатда энг тўғриман, деганнинг ҳам хатосини топишдан осон иш йўқ. Тошкентнинг бозорларини олинг. Абу Сахий, Бек Тўпи, Фарҳод, Чорсу... дейсизми, фарқи йўқ. Сотувчилардан жарима ундириш учун истаганларича сабаб топишлари мумкин экан. Сабаб учун хатони кутиб, текшириб юриш шарт эмас. Маъмурлар истаган вақтда, истаган объектига истаган жиноятини “содир қилдира оладилар” бугун мустақил Ўзбекистонимизда.

Сотувчиларнинг кўпчилиги ҳаж амалларини адо этган, аёллари рўмол ўраган, эркаклари намозхон, ҳалол тижорат йўлини тутган инсонлар. Аммо ҳалолликка йўл йўқ. Шулар ҳам ҳозир милициянинг кўзидан жойнамоzlарини яширишган, аёллар ҳожи рўмолларини ечишган, аниқроғи шунга мажбур қилинган.

Биров “ғинг”, деб оғиз очмайди, очолмайди.

“Энг яхши сўзлари: “хўп бўлади”, бўлгач, даврон муттаҳамники-да.

Малика ҳожи онадан ҳеч бир ҳужжатсиз икки миллион жарима ундириб кетди, деб ҳикоя қилади сотувчиларга чой-пой ташиб юридан бир аёл. Катта рўмол ўрагани учун икки бор огоҳлантирилган экан, энди учинчи бор бу “катта жиноятини” ҳужжатлаштиргудек бўлса, энг кам ойликнинг юз баробари миқдориде жаримага тушар экан. Милиса тўрани “отанг яхши, онанг яхши”, ичларида эса “сендан ит яхши”, деб зўрга ҳужжат қилишдан қайтаришибди. “Тўра” эса бу яхшилиги учун икки миллионни (бошқа бировлар айтишича уч миллионни) чўнтагига урибди.

Ҳожилардан, “нима учун ҳамманг бирлашиб қаршилиқ кўрсатмайсизлар, Президент девони олдида чиқмайсизлар? Сизлар ҳукумат руҳсати билан ҳаж қилгансизлар. Ҳаммаси қонуний бўлгани ҳолда, нега Конституциявий ҳуқуқингизни оёқ ости қилдирасизлар?”, деб сўраганимизда улар, “Ўзбекистонни билмагандай гапирасиз, бу айтишга осон. Биз ўзимиздан ҳам бола-чақамиз тақдирини ўйлаймиз. Бу юртда ёзилган қонунлардан ёзилмаганлари қудратлироқ. Айтиш, намоиш қилиш у ёқда турсин, агар билиб қолишса, ҳатто ўйлаган ўйингиз учун беш-ўн йилни буйинингизга илишади. Одам кўра-била туриб, ўзини ўтга отиши ҳам ақлдан эмас”.

Жарима дегани бир бало бўлди. Ҳукумат ҳазинасига миллион-мил-



лионлаб жарималар тушяпти ва ҳукуматга тегиниб кетган кимса борки, бу ёзилмаган қонунлардан яхшигина фойдаланяпти.

Мустақиллик бир ҳовуч маттаҳам, сотқинлар учун эканини энди билдик, орқамизда турган бир ҳимоячи куч бўлмагач, жонни асраган ҳам донолик, деган қоидага амал қиламизда, деб жавоб беришди.

Зўрга кунини кўриб турган одамлар учун тўғри сўзни айтиш, ҳақ талашаман деб арзимаган сабаб билан уй-жойидан айрилиб қолиш ўлим билан баробар бир ишдир. Бировни қамоққа олиш учун ишхонасидан Қуръон ёки жойнамоz топилиши кифоя. Жойнамоz ва диний китоб Диктатор шотирлари учун гиёҳванд моддалар сотувчидан ҳам хавфлироқдир. Талабаларнинг масжидга чиқиши ўқишдан ҳайдалиши учун етарли. Айниқса, масжидга намозга чиқса террорист, маърака-мавриятда ҳукумат рўйхатидан ўтмаган киши Қуръон (айниқса аёллар) ўқиса диний экстремист... Бу золимларга Аллоҳ томонидан бир офат етмагунича, бу юртдаги аҳвол шундай давом этаверади, дейишади яна бошқалари.

ЎХХ муҳбири

## НОРВЕГ МАТБУОТИ ЎЗБЕКИСТОН ҲАҚИДА: АЁЛЛАР ЗЎРЛИК БИЛАН ПУШТСИЗЛАНТИРИЛМОҚДА

**Норвегияда чиқадиган “ABC NYHETER” рўзномасида Ўзбекистондаги аксилмиллий режимнинг ўзбек халқига қарши қилаётган жиноятларини фош этувчи “Аёллар зўрлик билан пуштсизлантирилмоқдалар” номли мақола чоп этилди. Қуйида ушбу мақола таржимасини эътиборингизга ҳавола қиламиз.**

Матс Ловстад  
Жуда кўп ўзбек аёллари ҳукумат томонидан тайёрланган махсус махфий режа асосида алдов йўли ва ёки зўрлик билан қисир қилинмоқда. Кишини ларзага солувчи бундай хабар ВВС томонидан “катта оила – доим бахт нишонаси” деб талқин қилинадиган мамлакатдан тарқатилди.

Режим алдови қурбонларидан бири бўлган Адолат исмли аёл иккита фарзанд кўрганидан сўнг нега яна хомила қолмаётганига ҳайрон бўлмоқда.

– Мен докторга бориб ўзимни текширттирдим, у менинг қисир қилинганимни айтди. Мен ларзага тушиб, ахир, қандай қилиб, бундай ишни қилишлари мумкин? десам, ҳукумат тарафидан берилган буйруқ шундай, деб жавоб берди, – дейди ВВС мубирига икки фарзанднинг онаси.

**ПЛАН БАЖАРИЛИШИ ЛОЗИМ**  
Мамлакатда сўз эркинлиги йўқлигига қарамай, ВВС сўнгги икки йил ичида Адолат сингари кўплаб аёлларнинг қисир қилиниши – ҳукумат тарафидан ишлаб чиқилган махфий стра-

тегиянинг бир қисми эканлигини кўрсатувчи аниқ далиллар тўплашга муваффақ бўлди.

– Бизга ҳукумат тарафидан план қўйилган, ҳар бир доктор ўз плани ҳақида ҳисобот бериши лозим, масалан, мен, план бўйича, ҳар ойда 4 аёлни қисир қилишим керак, – дейди пойтахт Тошкентда фаолият кўрсатувчи ўзбек гинекологи ВВС мубирига.  
ВВС мубири билан суҳбатда бўлган қишлоқ жойларида яшовчи бошқа гинекологлар эса, уларга қўйилган планнынг бундан анча юксак эканлигини, улар ҳар ҳафтада 8 та аёлни қисир қилишлари лозимлигини айтишган.

### МАНИПУЛЯЦИЯ ҚИЛИШ ОСОНРОҚ БЎЛИШИ УЧУН...

ВВСнинг Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш Вазирлиги ичидаги манбалари ҳам мамлакат аҳолисини назорат қилиш осонроқ бўлиши учун, аҳоли сони бугунги 28 миллиондан ошмаслиги учун ҳукумат стерилизация қилиш бўйича программа ишлаб чиққанини тасдиқлашди.

– Ун минглаб аёллар пуштсиз қилинди, – дейди ўлкадаги оз сонли



**Tvangsteriliserte kvinner**

инсон ҳақларинини ҳимоя қилувчи ташкилотлардан бирининг раҳбари Суҳроб Исмоилов.

Ўзнинг исми ошкор қилинишини истамаган яна бир докторнинг айтишича, қоғозда пуштсизлантириш учун аёлларнинг розилигини олиш ёзилган бўлса ҳам, амалда ҳеч ким улардан сўраб ўтирмайди.

– Айниқса, камбағал оилага мансуб аёлларни алдаш осон, сен уларга кўп бола туғишнинг соғлиққа зарарлиги ва стерилизация қилиниш жуда яхши эканлигини айтсанг, бўлди, улар ишониб қўя қолишади ва ёки умуман улардан сўраб ўтирмай қисир қилавериш ҳам мумкин, – дейди ВВС мубирига доктор.

ABC NYHETER  
Норвег тилидан **Мақсуд Бекжон**  
таржимаси

Германияда нашр этиладиган ва нуфузли саналган «Frankfurter Allgemeine Zeitung» газетасида, немисларнинг собиқ канцлери Герхард Шредернинг интервьюси чиқди.

Собиқ канцлер интервьюда Россия раҳбарияти фаолиятига баҳо берган.

«Россия раҳбарияти мамлакатда демократия ўрнатиш йўлида собитқадамлик билан бормоқда.



## ЕВРОПА ПУТИНГА “ПАХТА” ҚЎЙИШНИ БОШЛАДИ, ДЕМАК, ҚИШ СОВУҚ КЕЛАДИ...

Россиянинг етакчи сиёсатчилари ўз мамлакатини барқарор, демократик ва ҳуқуқий давлатга айлаштиришни хошлайдилар» дейди Германия ҳукуматининг собиқ раҳбари Герхард Шредер ўз интервьюсида.

Унинг фикрича, Россия президенти Путиннинг биринчи галдаги вазифаси Россиядаги вазиятни барқарорлаштириш ва давлатчиликни тиклаш эди.

«Владимир Путин бу вазифани аъло даражада бажарди ва бу унинг тарихий ғалабасидир» дея баҳо берди Шредер Россия президентининг фаолиятига.

Собиқ канцлер шу билан бирга Россиядаги демократик жараёнларнинг бориши қатор мураккабликларга эга эканини ҳам айтган.

«Россия улкан ҳудудга эга, у ерда юзлаб элатлар, миллатлар истикомат қилади. Бундан ташқари Россия Исломот терроризмига қарши курашиб келаяпти. Россиядаги барқарорлик Европанинг манфаатларига мос тушади», — деган интервьюда Германиянинг собиқ раҳбари. Хозирда 68 ёшни қоралаган Герхард Шредер нима учун Путинни демократлар сафига тиркашга уринаётганининг маълум сабаблари бор. У ўзи канцлер бўлган 1998 йилдан 2005 йиллардаёқ Россия президентини «Менинг якин дўстим» деб атаган эди.

2005 йилда Балтика денгизи остидан ўтувчи газ қувурларини ётқизиш ишларига Путин ва Шредер биргаликда бош-кош бўлишган, ҳамда биргаликда

«Шимолӣ оқим» (Nord Stream) деб номланган қўшма корхона ҳам очишган эди. Хозирда бу корхонанинг 51 фоиз акцияси Россиянинг газ монополисти «Газпром» сейфларида сақланаяпти.

Шредер эса айна пайтда «Шимолӣ оқим» компанияси акциядорлар қўмитаси раиси ҳисобланади.

Хозирги кунда миллионлаб россияликлар, ўз мамлакатларининг тақдиридан хавотир олишиб, ўзларининг демократия ва эркинликдан тобора узоклашиб бораётганликлари учун ўз президентлари Владимир Путинни айблаётганидан ва унинг истеъфосини талаб қилаётганидан собиқ канцлер Шредернинг хабари йўқми? Бор албатта.

Гап шундаки, газ ва нефть хиди (шунингдек пул хиди ҳам) анкиган ҳудудда Европа сиёсатчилари Инсон ҳуқуқларини бир сонияда унутишди. Чунки, олдинда қахратон қиш. Кўхна Европа Россия диктатори олдида ҳозир «Митингга чиққан намоийишчиларни озод қилинг!», «Сизни танқид қилаётганларга зулм қилманг!» каби талабларни қўя олмайди. Акс ҳолда ғазабланган Путин газ йўлини тўсиб қўйиши мумкин.

Халқаро ОАВ материаллари асосида  
**Улуғбек тайёрлади**

## ХАЛҚНИНГ УЙҒОНИШИ УЧУН КЕНГ ЖАБҲАЛИ БИР МАЪРИФИЙ ҲАРАКАТ ЯРАТИЛИШИ ЛОЗИМ...

(Норвегиянинг Драммен вилоятида ўтказилган Улқучилар курултойида ўқилган нутқ)

### Азиз биродарларим,

Бугун Туркчилик юкини ўз елка ва ва қалбларида ташиган биродарларимизнинг кўзларида бир оз ҳорғинлик ва саросима, бир оз шубҳа ва тараддуд кўрмоқдамиз. Бугун Туркчилар сафида ўн йиллар аввалги руҳий сафарбарлик ва руҳий юксалишларни, у дабдаба ва талотумларни кўрмаймиз. Совет императорлиги йиқиларкан, кутганимиз воқеалар – Турон эллари ва халқларининг Турк миллиятчилиги йўлбошчилигида бир-бирига талпинароқ йўлга чиқажакларига доир умидларимиз амалга ошмади, афсус.

Совет Иттифоқи кулагандан сўнг илк дафъа Туркистон ерларига оёқ босган миллиятчи турк қардошларимизнинг мамлакатдаги аҳволни кўриб, паршонлик ичида қолганига гувоҳ бўлганман. Хусусан, 1991 йилда Олманиядан келган бир миллиятчи дўстимиз икки ҳафта давомида Ўзбекистонни кезиб чиқиб, пойтахт Тошкентга қайтганида ундан: “Вазият қандай?” деб сўраганимда, ундан эшитган ягона калима: “Халқ уйқуда ётибди” бўлди. Орадан 13 йил ўтди, аммо, афсуски, аҳвол ўзгаргани йўқ, ҳатто аксинча, иқтисодий қийинчиликлар халқнинг уйқусини янада чуқурлаштирди. Бу уйқу оддий бир уйқу эмас, шуур уйқусидир.

Бугун Турк жумҳуриятлари Совет империализмидан қутулган ва сиёсий ўлароқ мустақил бўлсалар ҳам, Совет зехниятдан қутула олганлари йўқ. Чунки, Совет Иттифоқи битганидан сўнг совет идеологиясининг ўрнини боса оладиган бир идеология топа олмадилар, аниқроғи, ҳали ҳам ҳокимият тепасида бўлган собиқ коммунистлар ҳокимияти халқни ўтмиш қуллигидан озод бўлишга етаклайдиган бир идеология топилишига тўсқинлик қилиб келдилар.


1990 йилда турк миллиятчилиги ва демократия ғоялари билан сиёсий майдонга чиққан бизнинг ЭРК Демократик Партиямиз мамлакат ичида бор-йўғи 3 йил эркин фаолият юргиза олди, холос, унинг қолган 11 йиллик фаолияти ҳукумат тазйиқлари ва террор остида кечди. Яъний, партиямиз ўз ғояларини халқ ичида ёйиши учун фурсат жуда оз бўлди. Бир қанча партия фаолларимиз қамоқларга ташланди, бир қисми у ердаги исканжалар натижасида оламдан ўтди, бошқалари эса, қамоқхоналардаги хасталаклар туфайли ўлди, бир қисми эса, мамлакатни тарк этишга мажбур бўлди. Аммо партиямиз куршни тўхтатгани йўқ ва биз истиқболга умид билан

боқмоқдамиз.

Халқнинг чуқур уйқудан уйғониши учун кенг жабҳали бир маърифий ҳаракат яратилиши лозим. Халқ ўзлигини англаб етиши керак. Айни шаклдаги ҳаракат айни пайтда бошқа Турк жумҳуриятларида ҳам бошланиб, жумҳуриятлар ўртасидаги алоқалар мустаҳкамлантирилиши лозим. Ки, Турк улуслари бир-бирларини танисин, ки, Туркия турклари 1922 йилда Мустафо Чўқай ёзгани қаби: “Қирғизлар муслмонми?” ва ёки “Ўзбеклар қайси тилда гапирдилар?” деб сўрамасинлар.

Мавжудияти бор-йўғи бир неча ой давом этган Туркистон мухторияти раҳбари Мустафо Чўқай ўзининг 1922 йилда Франциядаги бир журналда чоп этилган Анвар Пошонинг Туркистонда олиб борган фаолияти ҳақидаги бир мақоласида шундай деб ёзади: “Туркия турклари ўз ота юртлари бўлмиш Туркистонга ўзларининг бу ўлкадан айри кечган бутун тарихлари мобайнида фақат бир марта, 1788 йилда Русия ва Усмонли салтанати ўртасида уруш чиққан пайтда қизиқиш кўрсатдилар, ўшанда Усмонли подшоҳи Туркистон хонларидан ва Русия тасарруфидаги қозоқ улусларидан Русияга қарши урушда дастак истаган эди. Бундан бошқа Туркия тарафидан Туркистонга бирон бир қизиқиш кўрсатилмади”.

Аммо бугун вазият ўзгарди,



Мақсуд Бекжон

ўтган асрнинг 10 йили ичида Турк жумҳурият-ларининг бир-бирига бўлган қизиқишлари мисли кўрилмаган даражага етди, ҳатто марҳум Турғут Узал бу руҳий кўтаринкилик ҳаяжони билан: “Иигирма биринчи аср Турк асри бўлажак” дея башорат ҳам этганди. Аммо афсуски, биз Турк жумҳуриятларидаги иқтидорни қўлдан чиқаришни истамаган собиқ коммунистларни ҳисобга олманган эдик. Бугун улар советларнинг “Парчала ва идора эт” принципи билан бутун Турк жумҳуриятларини эзиб, ўлкани талон-тарож этишда давом этмоқдалар.

Турк жумҳуриятларида рус шуурли коммунистлар иқтидорда қолар экан, ўлкалар ўртасида том маънодаги маданий ва сиёсий алоқалар ўрнатилиш ҳақида гапириш имконсиздир. Алоқаларнинг ўрнатилиши учун Турк жумҳуриятларида ҳокимиятга миллий-демократик йўналишдаги кучлар келиши лозим.

Биз бу йўналишдаги ўз курашимизни давом эттирмоқдамиз.

## МИСРДА ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ КУТИЛМОҚДА



Миср ассамблеяси бошлиғига қўра, мамлакатнинг янги конституцияси учун овоз бериш пайшанба куни бошланиши мумкин.

Миср Президенти Муҳаммад Мурсий хужжатни тасдиқлаганидан сўнг лойиҳа оммавий референдумга қўйилиши кутилади. Бундан олдин мамлакатнинг Конституцион маҳкамаси ассамблеяни тарқатиш масаласи ҳам кўриб чиқилишини билдирган эди.

Конституцион маҳкама раиси Мохир Самий “маҳкама ҳар қандай қийин бўлмасин ўзининг олдидаги вазифани бажариб, охиригача олиб боришга тайёр” деб айтади. Мамлакат маҳкамаси “Муслмон Биродарлар” кўпчиликини

ташқил қилган парламентнинг куйи палатасини тарқатишга эришган.

Миср ҳукумати Президент Муҳаммад Мурсийнинг ваколатларини ошириши орқасидан бошланиб кетган норозилик намойишлари туфайли конституция қабул қилинишига тайёргарликни кучайтирган эди.

Илгари қабул қилинган декретга биноан ҳеч ким, ҳатто маҳкама ҳам президент фармони, қарори ва қонунлари қарши чиқиши ва бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлолмайди.

Муҳаммад Мурсий намойишлардан сўнг бу декларация вақтинчалик чора эканлигини, конституция қабул қилиниши билан ундан воз кечишини маълум қилади.

Қоҳирадаги намойиш қатнашчилари Мурсийни инқилобга хиёнат қилганликда айблашган.

Полиция билан тўқнашган намойишчиларга қарши кўздан ёш оқизувчи газ ишлатилган.

Пайшанба куни шунингдек Миср Президенти Муҳаммад Мурсийнинг халқга мурожаат билан чиқиши кутилмоқда.

Бундан 7 йил муқаддам, 2005 йилда ёзилган “Қатлиом” деб номланган мақоламизда (maksudbekjan.org) биз яқин келажакда Русия таркибидаги турк қавмлари яшайдиган автоном жумхуриятларнинг номлари ўзгартирилажаги, аниқроғи, бу жумхуриятлар номидан ушбу ҳудуд эгалари ҳисобланган турк халқларининг миллий номлари олиб ташланажаги эҳтимоли ҳақида ёзган эдик. Бугун, таассуфлар бўлсинки, ўша таҳминларимизнинг тўғри чиқаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

“Қатлиом” номли мақолада биз Русия ҳудудида миллий ҳудудлар сифатини фақат рамзий ўлароқ ташиётган, ассимиляция ва руслаштириш сиёсати тўғрисидаги миллий ўзликларни аллақачон бир афсонага, сояга айланган Корякия, Таймир, Эвенкия, Ненец, Коми каби автоном жумхуриятларнинг номлари йўқ этилаётгани, улар Красноярск, Иркутск, Мурманск, Архангелск вилоятларига қўшиб олинаётгани ҳақида гапириб, агар бундай этник-маданий қатлиомга қаршилик кўрсатилмаса, навбат яқинда Русиядаги Бошқирдистон, Татаристон, Ёкутистон, Олтой ўлкаларига келажак, уларнинг ҳам номлари (ва табиийки, шу орқали уларнинг сиёсий иродаси) йўқ қилинажаги ҳақида шундай жумлаларни ёзгандик:

“2005 йилнинг 23 октябр куни миллий озчиликларнинг номини административ-территориал атамалардан олиб ташлашни кўзда тутган ана шун-

## МАВЗУГА ҚАЙТИБ...

дай сиёсий тадбирлардан бири амалга оширилди – Камчатка ўлкаси ва Корякия автоном округини бирлаштириш ҳақидаги референдум бу ҳудудларда муваффақият билан ўтказилди: овоз берганларнинг 85 фоизи бу иккита Русия субъектининг қўшилиши учун, 15 фоизи эса, бунга қарши овоз берган... Бу референдумдан сал илгарироқ, шу йил баҳорида, 22 апрел куни эса, бирданига Русия таркибидаги иккита миллий территориял субъект – Таймир (долган-ненетс) автоном округи ва Эвенкия автоном округи референдум орқали Краснояр ўлкаси таркибига қўшиб олинган эди. Яқин орада Адиғая мухтор округи Краснояр ўлкасига, Уст Орда автоном округи Иркутск вилоятига, Ненец автоном округи ва Коми автоном жумхурияти эса, Архангелск ва Мурманск вилоятларига қўшиб олинади. Агар бу режалар амалга ошса, кейин навбат Русия таркибидаги турк қавмлари яшайдиган Бошқирдистон, Татаристон, Ёкутистон, Чувашистон, Олтой ўлкаларига келади. Айтгандай, ўтган йили Олтой республикасини Олтой ўлкасига қўшиб олишга уруниш бўлди, аммо Олтой жумхурияти маъмуриятдан бунга қарши чиққанлар бўлгани учун бу иш сал орқага сурилди”.

Бугун, орадан 7 йил ўтиб, ушбу жараённинг изчиллик билан давом эттирилаётганига гувоҳ

бўлмоқдамиз. “Известия” газетасининг ўтган ҳафта, 16 ноябр кунги сонидан чиққан “Миллий республикалар номини ўзгартириш таклиф қилинмоқда” деб номланган мақолада (<http://izvestia.ru/news/539729>) бу ҳақида шундай ёзилади: “Доғистонликлар Кабардино-Балқарияни Приэльбрус республикаси деб, Татаристонни Қозон республикаси, Бошқирдистонни эса, Уфа республикаси деб аташни таклиф қилмоқдалар”.

Бундай таклифлар, ҳар доимгидай, энг аввал маҳаллий аҳоли вакиллари, тўғрироғи, у ердаги коллаборационистлар тарафидан киритилади ва кейин “маҳаллий аҳоли истакларини инобатга олишга мажбур бўлган” марказ – Москва тарафидан ҳаётга тадбиқ қилина бошлайди. Бу – “совет одамлари қалбларига яқин” эски коммунистик империя анъаналардан биридир.

Фикримизча, Русиядаги турк жумхуриятларига нисбатан тадбиқ этилиши кўзда тутилаётган бундай ассимиляция сиёсати Корякия ва ёки Эвенкиядаги сингари муваффақиятга эришмайди, чунки, бу турк жумхуриятлари халқлари сўнгги ўн йиллар ичида ўзларини ёлғиз эмас, балки, Буюк Турк дунёсининг бир парчаси сифатида ҳис қила бошлаганлар. Бу тўғри Русиядаги турк халқларини русларнинг ассимиляция сиёсатига қарши қўя оладиган кучли иммунитетлардан биридир.

Мақсуд Бекжон

Мустақил Ўзбекистоннинг бугуни билан кечаги кунни қиёслашга қодир фуқаролари билан дилдан суҳбатлашган кишига халқимизнинг мустақилликдан кўнгли совигани маълум бўлади. Халқни хорлаётган бир ҳовуч мансабдорлар аксариятининг империя даврида ҳам пичоғи мой устида эди. Агар айни кунда

сиёсат бошқа томонга ўзгариб кетар бўлсами,

мунофиқликда устамон мазкурлар бир думалаб, йиғлаб-сихтаб, ўзларини хорланганлардан кўрсатиб, янги сиёсат томонга ўтишни ҳам уddалаш турган гап.

Уят, андишани буткул йиғиштириб қўйишди, ахир биз ҳаётимиз. Ўтган кунларимиз “куллик”, яшаб турганимиз “озодлик-мустақиллик” бўладиган бўлса, бизнинг авлод ҳар иккаласига ҳам гувоҳмиз. Кечаги куннинг ўрта ва олий мактабларида таълим-тарбия олдик. Тўғри, аждодларимиз тарихи бузиб кўрсатилганлиги ҳақиқат, аммо кечаги куннинг халқпарварлик, илмпарварлик, етимпарварлик сиёсати оддий халқ ёдида муҳрланиб қолган. Турмуш оғирлашган сари муҳрлар тилга кирмоқда. Бўлар гап шуки, Ўзбекистоннинг бугунги қулдорлик сиёсати афкор оммани бу каби мустақилликдан бездирди.

Ўтмишдаги қулгизимизнинг

Каримовча мустақиллик берган қулгизимиздан ўлса ўлиги ортқ эди. Қуфр давлатида яшаганимиз рост, аммо дунёвий илмлар ривожланди. Қишлоқда ўсган оддий деҳқон болаларидан олимлар, фан докторлари етишиб чиқди, янги шаҳарлар қурилди. Маорифга, таълим-тарбияга катта эътибор берилганига гувоҳмиз.

Таълимда ҳозирдагидек майнавозчилик, алдам-қалдам йўқ эди. Сиёсат қандайлигидан қатъий назар, халқ ҳар доим яратишда бўлди... Ўқитувчининг порахўрлиги, таъмагирлигини тасаввур ҳам қилолмасдик.

Учта-тўртта бино қуриб гердайишнинг ўзи тараққиёт эмас! Ҳой инсонлар, пахтанинг катта қисми машиналарда териларди. Ҳозиргилар техника нелигини унутиб қўйишди. Терим машинасига эга бирорта фермер бор бўлса, чиқиб гапирсин. Боладан чақа далада. Мактабни буткул унутишди-ку. Кейинги авлоднинг саноқли 2-3 фоизини демасангиз, ҳозирда ёппасига саводсизлик даврида яшаймиз. Мамлакат аҳолисининг маърифати қоқ иккига бўлинган. Катта авлод кириллда, кейингилар лотинда. Бу саводсизликдан ким фойда кўрпти? Менимча, ўзбекнинг йигирма йиллик янги давр

тарихи бир жоҳил Президентнинг қурбони бўлди, холос.

Баъзи бировлар телевизорларга чиқиб олиб, бузғунчи сиёсатни олқишлайди. Эмишки, ҳозирги болалар зўр даврда, сотка, компьютерлар, ҳар хил техникалар даврида ўсишмоқда. Бунинг ўрнига, мана шу қўлимдаги “сотка” техника фанла-

ри доктори фалончи олимизнинг ижоди, деса

эди, фахрлансак. Қасиям бир шоир японларга қойил қолиб, “бургани тақалаган японлар”, деб ёзган экан. Хўш, бизнинг олимларимиз бирор оламшумул кашфиёт қилолдиларми кейинги чорак асрда? Гапирсангиз шундан гапиринг. Чўнтакда сотка, уйида компьютер, тагида зўр машинаси бўлган одам маърифатли бўлавермайди!

Оғзидан оқ ит кириб қора ит чиқадиган, мартабаси баландроғи ўзидан пастроғини тегиб урадиган амалдорлар тарбиясини олган авлоддан маданият тугул савод кутишининг ўзи нодонликдир. Менинг ҳаётим мактабга бағишлангани учун ҳам бу нарсаларни кўтаришим қийин кечаётир...”, деб сўзини тугатди нафақадаги ўқитувчи, ҳозирда оилавий тадбиркор Отамурод ака.

Муҳаммадқодир Абдулатиф ўғли



Ватанимиз кишлоқларида яшовчи аҳоли аллақачон ибтидоий давр яшаш тарзига кўчиб бўлди. Шахарлар атрофи, туманлар маркази аҳолиси ҳам кишда газдан умидини бағамом узиб, тирикчиликнинг турли йўллари излашга киришганлар.

Муस्ताқилликнинг неча ҳам йилларики, кишлоқ аҳолиси маҳаллий ўғит хисобланган тезакни моллардан қолган чўп, нушхўрдлар билан қориб, деворларига таппи ёпиб, кишга асраш йўлига ўтди. Каримовнинг эркатойи, одамларнинг айтишича, №1 қароқчи Гулнора Каримова “газимизни четга сотиб, миллиардлаган долларларни Швейцария деган мамлакат банкаларида сақлаётган эмиш. Ўзимиз эса кишининг қора совуғига чидолмай мевали дарахтларни, ипак куртининг озиғи бўлган тутларни чопиб ёқмоқдамиз. Илож қанча, бу бир армон бўлса, Худо берган газимиздан айрилганимиз икки армон, юртнинг эгасиз қолганлиги юз армон, ватанда бева танлигимиз минг армонга айланди”.

Нега бундай қаро қулларга тушдик, десак сабабини шарҳлайдиган кимса йўқ. Сал-пал сиёсатни тушунганлар, оппозиция бор-ку, дейди. Номлари бор-у, овози йўқ бир неча кўғирчоқ партиялардан (кўпчилиги уларнинг ҳатто номларини ҳам билишмайди) одамларга бир чақалик наф йўқ. Инкироз сабаблари оддий одамлар таърифича бўла қолсин. Бировлар муस्ताқилликни, бировлар диктатор Президентни, яна бировлар эса халқни айблади...

Бу гапларга тўртинчи ҳоқимият шарафига эга матбуотимиз не дейди?..



### Дарвоқе, Ўзбегим матбуоти

...Халқ манфаатини ҳимоя қилиши лозим бўлган “Муस्ताқил матбуот”имизга нима бўпти дейсизми? Уларми, улар ҳам қаттиқ ишлаяпти. Рўпарасида тоғ-тоғ муаммолар тургани ҳолда, газламани қўлда тўқиб “тўқ-тўқ” тўқмоқ уриб, попишак (педал) босиб, чанг ютаётган хотин-қизларни атлас кўйлақларда сувратга олиб, ўзи ишонмаган ёлғонига бошқаларни ишонтирмоқдалар.

Ахли қалам кўғирчоқбозлар, карнайчилар, сурнайчилар қаштачилар, пардозчилар, сартарошлар, “гап”чилар, оилавий ғийбатлар, хиёнатлар, майда ўғриллар (йирик ўғри йўқ-да), гиёҳвандлар, тадбиркорлар... ва ҳар нарса ҳақида истаганича ёзиши ва сўзлаши мумкин, аммо ҳеч қачон ижтимоийлик, эркин фикр, сиёсат, иқтисод, инкироз каби баҳсли мавзуларга тегиниши нари турсин, ҳатто бу ҳақда ўйлаши ҳам мумкин эмас.

Нима ҳам қилсин, ўз аравалари бўлмагач, бировнинг аравасига минади ва то ҳайдаб юборгунларича ўшанинг ноғорасини чалади. Қолаверса, вақти-вақти билан “хурматланиб” қақирилиб, “иззатланиб” кузатилувчи беш-ўн чет эллик меҳмондан мақтов интервьюлар олиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Нима, туз-нонингни татиб, зар тўнингни кийган, фақат чиройли жойларни томоша қилган меҳмон бизнинг қандай ўлиб, қандай

тирилаётганимизни туш кўрармиди? Агар ҳолис фикрини эшитмоқчи бўлсангиз, дуч келган бир пахта даласига олиб чиқинг, фермалар, мактаблар, касалхоналар, ишлаб чиқариш тармоқларини кўрсатинг, ўрганинг, одамлар билан суҳбатлашинг, ана шунда кўрасиз, ғарб демократиясидан кўнгли тўлмаган меҳмонингиз “яна нима-лар деркин”?

Шу йилнинг 15 октябридан ўчган газ келаси йилнинг 15 майгача ёнмаслиги ва оилаб электр чиқроқлари ўчиб ётиши ҳақида эшитмагансизми? Қишлоқдаги қариндошларингиздан эшитгансиз. Ана сизга масала, мавзу. Олий мажлисгача,

## ҲАР ҒАЙРНИНГ БИР НОГОРАСИ

Президентгача кўтаринг. Ахир сиз ҳар йили 3 май – Жаҳон матбуоти эркинлиги куни, 27 июн Матбуот ва ОАВ куни ва Муस्ताқиллик куни байрамлари олди-дан ўтказиладиган қатор конкурсларда ғолиб чиқиб, турли муқофотларга сазовор бўлмоқдасиз. Халқ дардини (кўғирчоқ депутатларингизни кўяверинг), сиз айтмагансиз, КИМ айтсин?! Йўқ, виждонингиз қийналмаслиги учун кўр-кўрона равишда ҳақиқатга чап берасиз. Начора, тирикчилик деган офатнинг “Олтин қалам” миллий муқофотига алоқаси йўқ, дейсиз-да.

Афсуски, бугун сиз тарғиб қилаётган қоқ турмуш тарзи – оғир қўл меҳнати, тезак, кўмир, мойчирик, пилтачирик ташвишларига бундан ўттиз, қирқ йил муқаддам барҳам берилган эди. Замоनावий техник тараққиётнинг илк оидмалари, майда аграр тўқмачилик ўрнини енгил саноат – тўқмачилик фабрикалари эгаллагани ва тўқувчи хотин-қизлар ҳақидаги мақолалар, телекўрсатувлар ҳали унутилгани йўқ. Қаранг, биз қанчалик тубанликка куламоқдамиз, кўни-қўшнилардан нечоғлик орқада кетмоқдамиз. Кўзимизни каттароқ очсак, дунёда нималар бўлаётганини кўрамиз. Қанақасига кўрамиз, бизда телевизор ишламаса, свет бўлмаса... Бундай кунда кун жойига кирмай туриб, амаллаб қора шўрвани қайнатишга улгурган-у, апил-тапил кўрпага кирганини ҳисоб.

### “Ўлибдим,

### Гулнора таппиларимизга тегмас...”

Э-ҳа, айтишларича, электрсиз, телевизорсиз узок кишлоқларга ҳам аллақачон эскириб кетган янгиликлардан етиб борган экан. Хитой чинкидиларни қайта ишлаб, турли нарсалар яратиб, бизга ўхшаганларга сотаяпти эмиш. Ҳамма ёқда ваҳима: “Буни ҳамма эшитса ҳам Президентнинг кизи – қароқчилар бошлиғи Гулнораҳоним эшита кўрмасин? Ягона ўтинимиз – таппи-тезақларимизни ҳам йиғиб-териби, Хитойга сотиб юборса-я!” “Ўлибдим, Гулнора таппиларимизга тегмас”, дермиш кўрқиб кетган бир онахон.

### Сталин зўрми, Каримовми?

...Империя замонида хом-ашёмиз арзон-гаров кетаётганлиги, ўзимиз фақат пахта билан боғланиб, аграрлигимизча қолаётганимиздан норози эдик, деб ҳикоя қилгандилар университетдаги устозларимиз. Қайта қуриш – 80- йилларнинг ўрталаридаги фикрлар хилма-хиллиги (плорализми) сиёсати Ватанимиз зиёдилари юрагида йиғилиб ётган асрий армонларни уйғотиб юборганди. Болтиқбўйи республикалари каби биз ҳам собиқ Совет таркибидан ажралиб чиқиш учун ҳаракатлар бошлагандик. Ўша вақтлар

матбуотлари айтган ва ёзган фикрларни бугун, муस्ताқил бўлганимиз бир кунда оғизга олиш учун отнинг қалласидек юракнинг ўзигина кифоя эмас, ёзаман десангиз ҳаётингизни гаровга қўйишингиз керак бўлади, деб бизни кўрқитгандилар ўзаро хос суҳбатларимизда. Устозимиз рост сўзлаганларига барча битирувчилар бугун гувоҳмиз.

“Муस्ताқиллик дегани ҳамду-саноми?” “Худди шундай!”. Отасини қўйиб қизини, қизини қўйиб отасини мақташ мамлакат бўйлаб оммавий равишда йўлга қўйилди. Айни кунда устидан тинимсиз мағзава қўйилаётган Совет Империясидай қатта

давлатнинг тарихларда ўқиганимиз – шахсга сиғиниш сиёсати Каримовча шахсга сиғиниш олдида ип эшолмайди. Сталин шахси вафотидан кейин совет томонидан лаънатланган бўлса ҳам, грузин халқи Сталиндек фарзанди билан фахрлишини ҳам билемиз. Чунки Сталин миллатимиз душмани Каримовга ўхшаб, қизининг қўли билан халқ бойлигини чет элларга ташиб кетмаган, ҳатто эшитишимизча, Сталиндек одам оёқ қиймини олти марта яматиб кийган, дейишади. Хужжатли фильмларда кўрганмиз, қандай яшаган ўша золим, ҳар ҳолда у ҳам атрофи сонсиз лашкарлар билан тўсылган маҳобатли саройларда яшаши мумкин эди, аммо золим бўлса ҳам, халқнинг ҳақидан парҳез қилган экан.

Аммо диктатор Каримов қатта авлодлари йўлдан оздирган бўлса, тарбиясизлик ва қароқчиликда отасидан ошиб тушган кизи Гулнора Каримова эса “Янги авлод” никоби йўналиши билан ёш гўдак болаларимизнинг миллий гуруҳ туйғусини ўлдирмоқда. Чет эл тарбияси ва ёт маданиятга мукка кетиш ва таклидга берилиш болаларда ўз тили ва миллатига бепасандлик кайфиятини тарбияламоқда. Хушёр бўлмасак, болаларимизни бой беришимиз ҳечмас, эй ватандошлар.

Сув бўғизга етмай туриб, кўзимизни очайлик, Гулнора Каримова бошиқ шайтон базмлайлик, эй ота-оналар. Бошқалар каби биз ҳам ҳур миллат эканимиз, ҳурликка ҳақлигимиз, муस्ताқиллик йўлидаги дастлабки курашлар ҳақида ҳикоялар сўзлаб, болаларимизнинг миллий туйғуларини чархлайлик.

Биз етмиш йил рус маданиятига чалғиган миллат, шу кетишда кетарканмиз, яқин беш-ўн йил ичида, шубҳа йўқки, инглиз ва бошқа ғарб тиллари ва маданиятига мағлуб бўлишимиз тайин. Чунки унинг оддий кўринишлари ҳозир ҳар қадамимизда намоёндир. Фикримизнинг исботи учун Тошкент кўчаларига бир назар ташлашнинг ўзи етарлидир. Ўзбек номлари, атама-лари, ёзувлари аллақачон сондан, санокдан чиқиб, ертўлалардан жой олди.

Биз шунчалар ўзини ўзи хор қиладиган халқимизми?

Саволимизга устозимиз сўзлари билан жавоб берамиз: “Начора, бу юртнинг пешанасига ўзбегим, дейдиган бир раҳбар, порлоқ юлдуз битмас экан, халқимизни бугунги диктатордан ҳам баттарроқ ҳар ғайр навбатма-навбат ўз ноғорасига ўйнатишда давом этавергай”.

Шундай бўлишдан Аллоҳдан паноҳ сўраймиз.

Абдуқодир Каримов

Леонид Ильич Брежнев ер юзидаги энг кўп тақдирланган инсон сифатида Гиннеснинг рекордлар китобига кирган экан. Қарангки, ҳар қандай мамлакатнинг энг нуфузли орден ва медаллари ҳамда ҳарбий ва илмий унвонларига сазовор бўлган Леонид Ильич факатгина Нобел мукофотини қўлга кирита олмаган экан.

Раҳматли Брежневга насиб қилмаган мукофотни оламан деган давлат ар-боблари жуда ҳам кўплаб топилади. Улар қаторида, Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев ҳам бор. У 2008 йилдан буён Нобел мукофотини олиш учун астойдил бел боғлаган.

2008 йилда Нобел деб аталмиш улоқни, эндигина АҚШ «тахтига ўтирган» Барак Обама илиб кетганди. У биронта илмий кашфиёт қилмаган ёки оламшумул жасорат кўрсатмаган бўлса-да, Нобел Тинчлик мукофотини кўшқўллаб топширишди унга. Нуфузли мукофот кўмитасидан

«Нима учун Обамага Нобел бердигиз?» деб сўраганида, улар тушунарсиз бир оҳангда «Келажакдаги хизматлари учун» дейишганди...

Нурсултон Назарбоевнинг ортида эса кучли иқтисод ҳам, ҳар қандай Нобел мукофоти кўмитасининг ақлини киритиб қўйишга қодир бўлган ядровий «мушт» ҳам йўқ. Бироқ, қозоқ президентининг маслаҳатчилари, ўз хожалари орзусининг асл моҳиятини айнан мана шунда кўрдилар.

«Ракета ядровий қудрат бўйича жаҳонда тўртинчи ўринда эдик, президентимиз эса дунёда тинчлик бўлиши учун булардан воз кечди ва мана шу жасорати учун у Нобел мукофотини олишга лойиқ» дея ҳисоблашади ҳозиргача Нурсултон Назарбоевнинг маслаҳатчилари.

Дарҳақиқат, Қозоғистоннинг ракета-ядровий қудрати, 90-йиллар бошида, мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларида анча кучли эди. Дунёга машҳур Семипалатинск ядровий полигонидан ташқари «Державинск-1» ва «Жанғизтепа» базаларида 100 га яқин қитъалараро қанотли ракеталар «савлат тўкиб» турарди. Яна «Ту-95» стратегик самолётларга жойлаштирилган 1280 донна ядровий бомбаси бўлган «Х-5540» ракеталари ҳам бепоён қозоқ чўллари бағрига беркитиб ташланган эди.

Мана шундай ядровий аслаҳалардан Назарбоев ўз хоҳиши билан воз кечдимикин? Ядровий қуролсиз давлат бошлиғи бўлишга у нахотки шунчалик интилди? Ахир унинг Семипалатинск ядровий полигонини ёпиш ҳақидаги 1991 йилнинг 29 августида чиқарган фармони ҳам Кремл раҳбарияти кўрсатмаси билан ёзилгани сир эмас-ку?! Боз устига, бир йил аввал, яъни 1990 йилнинг август ойида, СССР Министрлар советининг қарорига биноан, полигон шахталаридаги барча ядровий бомбалар кучсизлантирилиб, РСФСР ҳудудидаги ядровий қандидихоналарга олиб чиқиб кетиб бўлинган эди.

Назарбоевнинг Семипалатинск ядровий полигонини ёпиш ҳақидаги

«тарихий» фармони чиккан пайтда, Москва полигондан аллақачон воз кечиб бўлган эди. Қозоғистон у ерда ўзининг ядровий синовларини ўткази олади дейишнинг ўзи кулгули эди, чунки бу мамлакатда бу каби синовлар ўтказишга на илмий-техник база, на малакали ходимлар ва на молиявий имконият бор эди...



## НОБЕЛ МУКОФОТИ НАЗАРБОВЕВНИНГ АМАЛГА ОШМАС ОРЗУСИ(МИ?)

Вашингтоннинг «Бир кутбл дунё» модели лойиҳасида, Ядровий Қозоғистон кўзда тутилмаган эди. Америка раҳбарлари эса, кучлилиги томонидан дунёда тўртинчи ўринда бўлган «Ядровий таёқ»нинг қайдаги Назарбоев деган бировнинг қўлида қолишини истамас эдилар. Шунинг учун улар қозоқ президентининг ядровий қуроллардан «ўз хоҳиши билан» воз кечиши учун ҳамма имкониятни ишга солишди. Америка Қозоғистонни исиёсий «қамчи»лаш билан бир қаторга унга ширинлик ҳам тутқазди, яъни Қозоғистон мустақиллигини тан олди ва шахталардаги ракеталарни демонтаж қилиш учун мутахассислар ҳамда 84 миллион «кўкидан» берди. Шундай қилиб Назарбоев Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мудофааси асосини ташкил қилувчи ядровий аслаҳалар омборлари ва полигон шахталарига Америка ҳарбий мутахассисларини олиб кирди. Моҳиятан олиб қараганда эса, бу кўз кўриб қулоқ эшитмаган хойинлик эди. Айнан ўша пайтдан бошлаб Қозоғистоннинг етакчи оташин коммунисти тадбиркор буржуйга айланиб қолди.

Қозоқ миллатининг «отаси» ўз халқининг соғлиги ҳақида неқадар ғамхўрлик қилётганини билиш учун, унинг 1994 йил 20 мартдаги фармонига кўз ташлаш кифоя. Назарбоев бу фармон билан Семипалатинск ядровий полигонидидаги синовлар туфайли жабрланган фуқароларга белгиланган ижтимоий Ҳимояни бекор қилди.

Ғалати бир ўхшашлик: Назарбоев ва унинг атрофидаги катаю-кичик амалдорлар қорхона, завод ҳамда фабрикаларни ўнгу-сўлга сотиб, талон-тарож қилиб ётган бир пайтда, қозоқ халқи ҳам худди ана шундай дадиллик билан қаровсиз қолган ядровий полигондаги ускуналарни ташиб кета бошлади. Радиоактив металларни ўғирлаб, строн-

ций элементи билан тўйинган дала-ларга ишлов бериб, захарланган сут ва гўштдан қирилиб кетган қозоқларнинг сони ҳақида тарих миқ этмайди...

Мустақиллик – бу ўз давлатинг худдидида содир бўлаётган барча воқеалар учун жавобгарлик деганидир. Мана шу оддий ҳақиқатни унутган амалдорлар эндиликда ҳамма айбни «лаънати марказ»га тўнкашади. Нурсултон Назарбоев ҳам ана шу амалдорлар қаторида.

Бугун, орадан йигирма йил ўтгач, Назарбоев атрофидагиларнинг ҳатти-ҳаракатини кўриб, кулгунг келади киши. Улар бугун ўз дохийларига Нобел мукофотини олиб бериш учун ҳеч ким билмайидан оролларда яшовчи папуаслардан тортиб, Норвегиялик велосипедчилар ҳамда ким пул берса, ўшанинг ноғорасига ўйновчи Америка конгрессменларини сотиб олиш билан оворалар.

Ўйлантирадиган томони шундаки, бу борада ўтказилаётган саноксиз конференция ва семинарлар, «Семипалатинск қахрамони Назарбоев»нинг маърузаларини оламга ёйиш каби «рекламалар», солиқ тўловчилар, яъни оддий қозоқ халқининг ҳамёни ҳисобига ўтказилапти.

Нурсултон Абишевичнинг Леонид Ильич билан тортишуви бу пулларга арзийдими ўзи? Бундай олиб қараганда, қудратли СССРнинг раҳбари, бортида бир жуфт атом бомбаси бўлган сув ости кемасини Норвегия соҳилларига олиб бориб қўйиб, бемалол Нобел мукофотини олиши ҳам мумкин эди. Айтишларича, Шведлар ҳозиргача тутқич бермас Совет сув ости кемаларини қандай қийинчилик билан кузатиб ўтирганларини титроқ билан эслашар экан. Бу даҳшатли кемаларни ўз кирғоқларидан узоклаштириш учун улар, эҳтимолки, Политбюро аъзоларининг ҳар бирига Нобел мукофоти беришга тайёр эдилар...

Евроосиё кенгликларидаги ярим қашшоқ, шўрланган ва нефт чиқиндиларига ботган ерларда қирилиб бораётган кўчманчи халқнинг дохийиси нималарга қодир? Аслида у ҳозир Нобел мукофотига эмас, унинг тескариси бўлган Игнобел мукофотини олишга лойиқ. (инглизча Ig Nobel Prize, сўзидан сўз ўйини қилинапти, ignoble - «уятли» дегани)

Назарбоевнинг «аввал кулдириб, кейин ўйлантриб қўядиган «буюк» хизматлари айнан мана шу Игнобел мукофотига арзийди.

Унинг даҳоликка интилиши кулдиради одамни. Интилиш учун ҳавога сарфланган маблағлар ва йигирма йил давомида қўлдан бой берилган халқнинг имконияти эса ўйлашига мажбур қилади.

«Guljan.org» сайтдан  
Улуғбек Ҳайдаров таржимаси

Мен Фарғона вилоятида туғилганман, ҳозирги пайтда оилам билан Тошкент шаҳрида истиқомат қиламан. Узоқ йиллар давомида Олий таълим вазирлигида ишлаганман. Бир неча йилдирки, тижорат ишлари юзасидан мамлакатимизнинг бир қанча вилоятларига доимо чиқиб туришим туфайли оддий халқ ичида юрган фикр ва мулоҳазалардан ўз вақтида хабардор бўлиб тураман. Кейинги пайтларда юртимизда сиёсатга қизиқмаган одамнинг ўзи бўлмаса керак, мен ҳам шу туфайли интернет орқали таъқиқланган ўзбек муҳолифатининг бир қанча сайтларини кўпчилик қаторида мунтазам равишда ўқиб бораман. Шунинг учун бугун сайтлардаги хилма хил мақолалар йўналиши мазмунидан ва халқ ичидаги аллақачон юзага келган мулоҳазалардан келиб чиқиб ҳозирги муқим даврнинг баъзи долзарб масалалари устида тўхталиб ўтишни лозим топдим. Албатта маълум сабабларга кўра ҳеч ким билан бахшлашмоқчи эмасман ва шу билан бирга муҳолифатдаги фаолларини ёмонлаш ниятим йўқ, мақташдан ҳам йироқман. Ҳар бир инсонни ўзига инсоф берсин, кимнинг гуноҳи бўлса унга фақат унинг ўзи албатта жавоб бериши аниқлиги ҳаммамизга маълум.

Шундай қилиб....

Айни пайтда И.Каримов Ўзбекистон президенти лавозимини қизи Г.Каримовага режалаштирилган юзаки сайловлар орқали топширишига ҳам икки йилча вақт қолди, муҳолифат ичидаги вазиятга нисбатан прогнозлар ҳаммани кун сайин қизиқтириб, кўпчилик юртдошлар ичида нима бўларкин, деган фикр кундан-кунга кучайиб бормоқда. Аммо шунга айтиш лозимки, ҳамма вилоятларда муҳолифат раҳбарларидан айнан Мухаммад Солиҳ номзодига нисбатан ишонч кундан-кунга ўсиб бораётганлигини беихтиёр гувоҳи бўласиз. Ушбу ҳолатни ҳатто интернетдаги <http://electionsmeter.com/> сайтида ҳам кузатиш мумкин. Ватан ичкарисидаги аксарият аҳоли И.Каримовнинг 23 йиллик зулмидан жони халқумига келиб ташқаридаги муҳолифат кучларнинг Мухаммад Солиҳ бошчилигидаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати атрофида бирлашишини жуда ҳам орзу қилаётганлигини минглаб мисолларда кўриш мумкин.

Муҳолифат партиялар ва Ҳаракатнинг интернет сайтига кирсангиз ёки уларнинг вакиллари билан бирлашиш масаласи юзасидан мулоқот юритсангиз, барчанинг тўғрилигини кўриб таажубга тушасиз, нотўғриларнинг ўзи йўқ. Ҳар бир фаол ўзи ва фаолиятининг ҳақиқат томонидалигини исботлайди ва айримлари қолганларни қоралаш билан овора. Парадокс! Бир вақтнинг ўзида ҳамма раҳбарлар китобларда келтирилгандек тўғри-ю, лекин уларнинг айримлари юрт келажоғи учун ўзаро бирлашишдан узоқлашмаса бўларди.

Бу ҳол ҳатто соғлом фикрлашга доир ёки табиат қонунларига зид ҳолатдир, агар ҳамма тўғри бўлса, унда нега бирлашишмайди деган савол туғилиши табиий. Чунки уларнинг Ватани, дини, миллати, тили ва маданияти ҳам бир

бўлса-ю, унда сабаб нимада? Ҳатто мазорлари бир ватан тупроғида жойлашганини айтмайсизми?

Ушбу санаб ўтилган муқаддас тушунчаларни ўзида мужассам этган, ўзини эр билган, мен ҳақ йўлдан деб билувчи ҳар бир инсон она ватан ва унинг келажоғи йўлида ЎХХга бирлашмоғи лозимдир деб ўйлайман. Шундай экан, ватандан ташқаридаги юртдошлар, ака-укалар, опа-сингиллар бу тупроқда улар учун азиз бўлган авлод-аждоқлари ётганини унутмаслиги керак. Бу йўлда ўзбек муҳолифати етакчилари ўзларида мавжуд бўлган ҳар хил гина-қудурату адоватни унутиб, ЎХХга бирлашиб ягона ҳаракат йўналишининг ватанга қайтиш бўйича стратегия ва тактикасини тузишлари за-

## НИМА УЧУН ЎЗБЕКЛАР БИРЛАШМАСЛИГИ КЕРАК?



рур ва бу даврнинг муҳим талабидир.

Халқ ичида аксарият инсонларнинг ишончи керагидан ортиқ қомилки, яъни муҳолифатдаги таниқли лидерларнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳар хил, ҳар доим жамиятда эгаллаган ўрни бошқа бўлган ва улар ўртасида ўзаро бўлолмайдиган нарса ёки ҳал бўлмайдиган муаммонинг ўзи бўлмаслиги ҳаммага маълум.

Шундай экан, мавжуд бирлашмаслик муаммосининг сирлари ҳам ўз-ўзидан кўриниб турибдики, сунъий асослардан иборат. Демак М.Солиҳ, С.Умаров, А.Пўлатов, Б.Чориев ҳамда бир қанча бошқалар ўртасида бир-бирларига нисбатан тўлиқлигича аниқ ва шахсий мақсадлар йўлида асосланган зиддиятлар йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас.

Хўш, унда бу сунъий равишдаги муаммоларнинг сабаби нимада ва бу кимга 20 йилдан ортиқроқ муддат мобайнида керак бўлиб келмоқда? Нега бир юртнинг вакиллари бўлган, бир мақсадга эга бўлганлар ўртасида ўзаро келишмовчиликлар авжига чиқиб бормоқда?... (А.Бойматовнинг кимлигини ҳуқуқбонлардан бошқа ҳеч ким билмайди, унинг на обрўси, на бу каби ташаббус кўрсатиш учун маънавий ҳаққи йўқдир. Бойматовнинг бу каби қилиқларини ҳеч ким жиддий қабул қилмай қўйганининг сабаби, унда муҳолифатни бирлаштириш деган ниятнинг ўзи йўқлигидир, унинг асл мақсади эса, шунчаки ўзини кўз-кўз қилишдан бошқа нарса эмас – таҳр.)

Ўзбекистон ўзининг “мустакиллигига эришган биринчи кунлариданоқ” И.Каримов ўзбек халқ мақолидагидек

“ўзи хон ва кўланкаси майдон” бўлишини жуда орзу қилиб Ўзбекистонда абсолют монархия барпо этишни, давлатни бошқаришга энди фақат каримовлар династиясининг ҳаққи борлигини режалаштирганди. Чунки 90-йиллар бошида унинг фойдасига тарихда мисли кўрилмаган сиёсий воқеалар юз бера бошлади. Ўша кунни аниқ эслайман, телевизорни кўйсам И.Каримовнинг Хиндистон сафаридан қайтиши ва журналистлар томонидан самолёт бортида ёзиб олинган суҳбати эфирга узатилаётган экан. Суҳбат чоғида И.Каримов фавқуллодда юзага келган вақтинчалик ҳукумат – ГКЧПга ўзининг катта ишончларини жон куйдириб Ўзбекистоннинг жаҳонда тенг ҳуқуқли мустакил давлат бўлишига қарши фикрларини ифода этарди. Унинг ...“бизар СССР тарқалишига йўл қўймаймиз, “бизар”(самарқандча шевада) Иттифоқ сақланиши ва ГКЧПга бўйсиниб уни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш тарафдоримиз”... деган гаплари ҳамон қулоғимда қолган. Албатта бу фикрларни тасдиқловчи видеотасвирлар Ўзбекистон телевидениеси архивларида сақланиб қолган бўлиши керак.

Шундан сўнг мен хизмат сафари билан бошқа вилоятга кетгандим. Аммо уйга қайтганимда, яъни бундан 4-5 кун кейинги телекўрсатувларда И.Каримов ақл бовар қилмайдиган бутунлай бошқа гапларни бутун борлиги билан такрорларди. Аввалига ҳеч нарсани тушунмай қолдим. Яна бир ақл бовар қилмайдиган нарса шундаки, бундан салгина илгари И.Каримов айнан Мухаммад Солиҳнинг Ўзбекистон ўзининг мустакилликка эришиши шартлиги борасидаги буюк ғояларини қораларди. Йиллар эмас, балки бир неча кун ўтгач эса унинг тўсатдан Мухаммад Солиҳга “сотилганлигини” гувоҳи бўлдик. Аммо бу ҳолни чин кўнгилдан тан олишга президентимизда бир сўз билан айтганда эркакча ғурур етишмасди.

Энди у тез орада Мухаммад Солиҳни бутунлай унутиб мустакиллик ғоялари эса айнан унинг юраги тўрида йиллар давомида ётганини таъкидларди ва бир ҳафта олдингача ардоқлаб келган совет системасини ўзи тушуна тушунмас ҳолда “мустабид” деб атай бошлади (чунки ўзбек тилини яхши билмасди). Вожаб дейман, мисол билан айтганда, у бир неча кун илгари сувнинг инсон ҳаётида қанчалик муҳим ўрни ҳақида гапирган бўлса, энди бунинг бутунлай аксини ёки мисли кўрилмаган даражада катта зарари ҳақида гапириб исботларди.

Бу ҳам камдек, ҳафта ўтгач эса атеист И.Каримов Куръони Каримга қўл қўйиб...“халқ фаровонлиги йўлида ҳалол хизмат қиламан”... деб қасмлар ичганини ва эртаси кунидан бошлаб ҳозирга қадар буни аксини қилаётганликларини гувоҳи бўлиб турибмиз. Унинг ҳукмронлиги йилларида муқаддас китобга қўл қўйиб ичган қасмларини унутиб юборганлиги жуда ҳам ачинарли ҳол, чунки ота-боболаримизнинг таъкидлашича қасам ва қарғишнинг оғир жавоби бўлиши муқаррарлиги кўпчиликка маълум.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинга саҳифада)

Бундай ачинарли ҳолат И.Каримов ҳаётида кундан-кунга кучайиб борди, ўйлайманки бугунги кунга қадар ўтган даврга нисбатан изоҳга ҳожат бўлмаса керак. Кейинги бир неча йил давомида халқимиз ичида нима бу одам ўзбек эмасми, мусулмон эмасми, ўз халқини ҳам шунча қийнаш мумкинми деган фикрлар кўпчиликни ҳайратда қолдиради. “Дард устига чипкон” деганларидек, ўзбек халқига ўзининг нафрати ва бефарқлигини яна бир бор исботлаб, ҳеч кимдан ҳатто фикр сўрамасдан ўз ўрнини қизига беришга ҳам қарор қилди. Нима Ўзбекистон зоопаркми? Ўзбек халқи ундаги сақланаётган ҳайвонлар тўдасими? Одатда зоопарк хўжайини алмашинишида ҳайвонларнинг ҳайвонлиги учун уларнинг ихтиёри сўралмайди... Ахир бу салкам 30 миллионлик ўз тафаккури, дунёқарши ва бой тарихига эга буюк халқ эмасми?

Хаммага маълумки, Совет даврида муҳолифат бўлмаган, ягона КПСС раҳбарлиги бўларди, бунда раҳбарлик лавозимларида катта тажриба орттирган И.Каримов аввалига ўзи истамаган мустақилликга тўсатдан эришгач, дарҳол ҳуқуқни муҳофизат қилувчи органлар ёрдамида И.Сталин ва НКВД-КГБдан мерос бўлиб қолган методлар асосида муҳолифатсиз ҳукумат қилишга киришганди.

Демократия ўрнига халқ оғзаки ижодидан ўрин олган ёлғонқратия дунёга келди. Натижада ҳозирги давлатчилик асослари ва ҳукумат И.Каримов ва Р.Иноятов модели бўлиб, у ёлғон ва тухма, қўрқоклик ва соткинлик, бузукчилик ва касамхўрлик ҳамда коррупция ва адолатсизлик каби иллатлар устига қурилди.

Советча тарбия қўрган ва сайловларга ўрганмаган И.Каримов ва бош жаллод Р.Иноятов “ўзларининг мустақиллиги” йилларида муҳолиф кучлар ўртасидаги тарқалишни кескин ривожлантириб, фаолларни ёлғонга асосланган маълумотлар асосида лақиллатишга ўтишди.

Бу махсус тайёрланган айғокчилар томонидан шу даражада амалга оширилдики, натижада шубҳага ўрин қолмаганди. Бундай тадбирлар улар томонидан ҳар хил сайтларда чоп этилган мақолалар билан доимо мустаҳкамланиб борди.

Шу билан муҳолифатнинг келажакда давлат тепасига келиб қолмаслиги учун унинг аъзолари орасидаги узвий боғлиқликларни бутунлай вайрон қилишга эришилди. Ҳақиқат кадрсизланиб борган сари ёлғоннинг ҳукмдорлиги кучайиб борди.

Ваҳоланки бу усул И.Каримовга жуда қўл келиб Р.Иноятовга ҳар томонлама чекланмаган имкониятлар бердики, оқибатда у ўзига Л.Берия каби “давлат ичидаги давлатни” тузишга муқаррар булди. Унинг раҳбарлик йилларида Тошкент клани шаклланиб жиддий ижтимоий ва сиёсий кучга айланди.

Энди эса Р.Иноятов баъзан қутурган ит каби ўз эгаси И.Каримовга ташланиб ундан бутунлай халос бўлиш йўллари

орзу қиладиган бўлгани халқимиз ичидан сир бўлмади қолди. Ўзбек муҳолифати айрим фаоллари эса ўзини ўзи синдириш ва обрўсизлантириш билан ҳамон обора, биров лақиллатганида ўзаро юзмаюзу мулоқотга чиқиш ўрнига тўқилган ғийбатларга муккасидан тушишди.

Эндиликда И.Каримов Ўзбекистондан ташқаридаги муҳолиф кучлардан эмас, балки Р.Иноятовга мансуб бўлган тахтни олиш йўлидаги ички зиддиятлардан жудаям қўрқиб қолганлиги кўпчиликка аён. Бундан хабар топган Оқсоқол қизини тахтга ўтқизишга қарор қилиб янги хийла ва қўшимча найраглар ўйлаб топди.

## НИМА УЧУН ЎЗБЕКЛАР БИРЛАШМАСЛИГИ КЕРАК?

Сиёсий майдондаги кураш мисоли шахмат ўйинига айланди.

Президентликдан кетгач И.Каримов ўзи имзолаган қонунга мувофиқ бир умрлик сенаторлик вазифасида қолиб, қизига норасмий маслаҳатчи бўлиши, қизи Гулноранинг бугунги кунда 20 ёшни қоралаган ўғли Ислоҳ Мақсудийнинг кейинги 15-20 йиллар давомида тахт ворислигига тайёрлаши қўзда тутилган.

Президент Девонида ва унинг қўриқлаш хизматида ишловчи мутасадди шахсларнинг тасдиқлашича И.Каримов ўз яқинлари билан бўлган норасмий суҳбатларда Ўзбекистонни унинг династияси бошқарса, келажакда буюк давлат бўлиши муқаррарлигини бир неча бор тасдиқлагани ҳақидаги маълумотларни ҳар қадамда эшитиш мумкин. Шу боис кўпчиликда аллақачон хилма хил фикр ва мулоҳазалар пайдо бўлиб алоҳида эътиборга сазовор бўлмоқда.

Шунда нима учун ўз халқи тақдири ва келажакни ўйламайдиган, ҳар томонлама нолайиқ инсон қариганда тавба қилиш ўрнига ўз қизига президентликни бериб янада лақиллатишни давом этирса деб ўйланиб қоласан киши.

Ахир қаранг, таҳлил қилинг, нахотки бир мутгаҳам ва ўта пихини ёрган биргина найрангбоз И.Каримов нафақат чексиз ҳисобланмиш Р.Иноятов бошчилигидаги кучли пойтахт кланини ёки ватан ташқарисидagi муҳолифат фаолларини, балки ўзи яшаб турган ернинг қарийб 30 миллионлик халқини осонгина лақиллатиб ўтирса? Биз ўзбекларнинг кимдан кам ҳојимиз бор?

СССР тарқалиб 21 йил ўтибдики мустақилликнинг туб маъносидаги жамиятни орзу қиламиз, аммо ҳамон унга эриша олмадик. Мустақиллик деб аталувчи тушунча ва унинг серқирра қулайликлари фақат икки шахсга хизмат қилиб келмоқда, бу И.Каримов ва Р.Иноятовлардир.

Улар ҳақиқатан ҳам ҳар томонлама мустақилликга эришдилар, аллақачон Иттифоқ йўқ ва улар қўрқадиган идора ёки раҳбар ҳам қолмади. Улар йиллар давомида ўзбек халқининг нонини еб моддий семириш билан бирга, халқнинг бутун бойликларини талон тарој қилишди, минглаб халол инсонлар

ни қамокларда қийнаб қатл этишди. Ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб ва норозиликни билдириб кўчага чиққан халқ вакиллари Андижонда отиб ташланди. Миллионлаб йигитларимиз нон топиш учун ватандан ташқарига чиқиб мардикор ва баъзи ҳолларда кимларгадир қул бўлишга мажбур бўлдилар.

Статистик маълумотлар таҳлили шунга кўрсатиб турибдики, яъни кейинги пайтларда Россия ҳудудида ўзбекистонлик меҳнат муҳожираликни камситиш ёки уриб ўлдириш одаг тусига кириб қолди. Опа-сингилларимиз йўқчиликдан бировларга чўрилиб қилишга, вақти келганда ўзини ҳам сотишга мажбур бўлмоқдалар.

Худди одамлар орасидаги оқибат бутунлай йўқолиб кетаётгандек туюлади, натижада мана шундай мудҳиш ҳоллардан ҳар куни хабардор бўлсак ҳам бефарқлигимизни индамай давом эттираямиз. Миллий ғурур деган тушунча кун сайин йўқолиб бормоқда. Тахлил қилсангиз бор йўғи икки нафар миллат душмани бутун бир халқни олдига солиб пода каби ҳайдашни давом эттирмоқда.

Бу ҳам қамлик қилгандай, энди улар бутун бир давлатни хусусийлаштириш ҳуқуқига ҳам эга бўлишди. Натижада улар Ўзбекистоннинг яқин 15-20 йил давомида ва ундан кейинги даврда ким бошқариши масаласини ҳам мутлақо ўзбошимчалик билан ҳал қилиб қўйдилар.

Ўзбекистондаги истиқомат қилаётган захматқаш халқимизнинг ақсарияти хали қалбларидаги ғурурни, ғайрат ва шижоатни, орзу ва ниятларни бутунлай сўнмаганлигини қайд этиб, ватандан ташқарига ҳар хил сабаблар билан мажбуран чиқиб кетган юртдошларимизни бирлаштишга, сиёсий уйғонишга, жиддий сиёсий кучга айланиб ўз тупроғига қайтишини жуда истаётганликларини яна бир бор таъкидламоқчи эдим.

Чунки муҳолифатга мададкор бўлишга тайёр турган халқимиз ҳақида истъеодди шоир Чўлпоннинг қуйидаги шеърини эслаш кифоя:

Халқ денгиздир,  
халқ тўлқиндир, халқ кучдир,  
Халқ исқандир,  
халқ оловдир, халқ учдир,  
Халқ қўзғалса,  
куч йўқдирким тўхтатсин,  
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин,

Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,  
Халқ истади, тож ва тахтлар йиқилди...  
Халқ истаги: Озод бўлсин, бу ўлка,  
Кетсин унинг бошидаги қўланка,

Бир қўзғолур, бир қўпирар, бир қайнар,  
Бир интилуру, бир ховлиқар, бир ўйнару,  
Йўқликнида, очликни-да йўқ этар,  
Ўз юртини ҳар нарсага тўқ этар...

Бутун кучни халқ ичидан олайлик,  
Қучоқ очиб халқ ичига борайлик!

Одилхон Отабеков

«ЭРК» АРХИВИ:  
ОРАДАН ЎН ЙИЛ ЎТИБ...

«ЭРК»чилар мустақиллик калимасини биринчи бўлиб айтган инсонлар...»  
13.05.2003

2003 ЙИЛ 25 СЕНТЯБР КУНИ «ЭРК» ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ 4 - ҚУРИЛТОЙИ, ЯЪНИ ОХИРГИ ҚУРИЛТОЙИ ЎТҚАЗИЛГАНИГА ЎН ЙИЛ ТЎЛАДИ. 5 - ҚУРИЛТОЙНИНГ ЎТҚАЗИЛИШИ УЧУН ЭСА, ҲУКУМАТ ЎН ЙИЛ ДАВОМИДА ПАРТИЯМИЗГА ИМ-КОН БЕРМАДИ. БИР НЕЧА БОР УРИНИШЛАРИМИЗ ЗОЕ КЕТДИ, ҲАРАКАТЛАРИМИЗГА «ТЕРРОРЧИЛАР» ДЕГАН ТАМҒАНИ ЁПИШТИРИШДИ. БУНДАН ЎН ЙИЛ МУҚАДДАМ ХАЛҚИМИЗ «ЭРК» ПАРТИЯСИДАН, ҲАТТО «ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ» ДАН ҲАМ КЎРА И.А.КАРИМОВГА КЎПРОҚ ИШОНДИ. БУГУН ЭСА, СИЁСИЙ МУХОЛИФАТСИЗ, ЯККАҲОКИМИЯТЧИЛИК ҚЎЛИДА ҚОЛГАН ЖАМИЯТИМИЗНИНГ, ХАЛҚИМИЗНИНГ МАЗЛУМ АХВОЛИНИ КЎРИБ ТУРИБМИЗ. БУНДАЙ ИНҚИРОЗНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ТЎҒРИСИДА «ЭРК» ПАРТИЯСИНИНГ РАИСИ МУҲАММАД СОЛИҲ ЎН ЙИЛЛАР ОЛДИН БОНГ УРГАН ЭДИ.

АФСУСКИ...  
КЕЛИНГ, МАҚСАДИМИЗГА КЎРА, МУҲАММАД СОЛИҲНИНГ 4-ҚУРИЛТОЙДА СЎЗЛАГАН, АММО МАТБУОТДА ЧОП ЭТТИРИЛМАГАН НУТҚИНИ АЙНАН ЎЗГАРИШСИЗ, ТЎЛИК, ЕЎТИБОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ЭТАМИЗ. БУ НУТҚ ЯҚИНДА ЎТҚАЗИЛАЖАК 5-ҚУРИЛТОЙИМИЗНИНГ ДЕБОЧАСИ БЎЛИБ ХИЗМАТ ҚИЛАЖАК.  
ЎН ЙИЛДАН СЎНГГИ ДИЙДОР МУБОРАК БЎЛСИН.

[www.uzbekistanerk.org](http://www.uzbekistanerk.org)

#### «ЭРК» ПАРТИЯСИНИНГ 4 – ҚУРИЛТОЙИГА

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!  
Аслида биз бу қурилтойга тайёр эмас эдик, биз рўйхатдан қайта ўтиш учун бу қурилтойга тўпланишга мажбур бўлдик. Партиянинг янги ҳужжат ва режаларини, иншооллох, 1994 йилда навбатдаги қурилтойда қабул қиламиз. Энди қурилтой билан табриклашга рухсат этинг.

Биродарлар! «ЭРК» партиясининг кейинги икки йил ичида нимага эришгани ҳақида ҳисобат бериш жуда оғир иш. Мустақиллик учун курашиб, бизнинг нимага эришганимизни бутун дунё кўриб турибди.

Ҳисобат берарканман, қанча одамимиз суд қилинди-ю, қанчаси ҳибсда эканини айттайми? Ёки «ЭРК»чиларнинг нечтаси қайси ертўлада қанча ой ўтиргани-ю, уларнинг ҳимоясига партиямиз нечта ташкилотга қанча хат ёзганини айттайми?

«ЭРК» партияси кейинги икки йил

давомида нормал бир партия сифатида фаолият кўрсатолмади, уни сурункасига исканжада тутдилар ва бу партиявий ҳуқуқлари учун ҳам эмас, ўз аъзоларининг инсоний ҳақлари учун курашишга мажбур бўлдилар. Бизнинг бирорта мажлисимиз таъқиб ва тазйиксиз ўтмади, ҳар бир берган баёнотимиз учун терговчилар олдида жавоб бердик.

«ЭРК»чилар мустақиллик калимасини биринчи бўлиб айтган инсонлар, мустақиллик душмани каби хўрлик остида яшади, миллатнинг ўғай болалари каби тўй ва тантанадан четда қолдилар, худди жинойтчилар каби олазарак яшашга мажбур бўлдилар.

Шу оғир кунларда баъзи ўзини «ЭРК»чи деб атаган одамлар пистирмада қочиб юрди, ўз дўстларини ҳимоя қилиш у ёқда турсин, улар «ЭРК» маркази яхши ишламади» дея фисқу-фасод тарқатиб, тепага яхши кўриниш учун ялоқ ялаптилар. Ҳисобот бераркан, шуларни сизга айтмай?

Йўқ, бундай ҳисобот мен учун оғирлик қилади. Мен «ЭРК» партияси раиси сифатида ҳам, бир одам сифатида ҳам ҳар бир партиямиз аъзосига худди ўзимга ишонгандай ишондим. Эҳтимол бу менинг хатоимдир, аммо мен бундан афсусланмайман. Умуман, «ЭРК» партияси ўз принципларига содиқ қолди ва аъзоларимизнинг аксарияти оғир кунларда бизни қўлладилар. Шунга шукур.

Биз мустақиллик, дея ўртага чикдик ва мужодала ҳамон давом этмоқда. Чунки «ЭРК»чилар учун «мустақиллик» дегани фақат давлат мустақиллиги эмас, инсон мустақиллиги ҳамдир. Фақат жумхурият озодлиги эмас, шахс озодлиги ҳамдир. «ЭРК» партиясининг бу ғоясини нуутган одам бўлса, уни тан олмайдиган аъзо бўлса, «ЭРК» партиясидан чиқиб кетаверсин. Чунки «ЭРК» партияси инсон ҳуррияти ғоясидан ҳеч қачон воз кечмайди, агар бундан воз кечганда эди, унинг номи «ЭРК» бўлмас эди, унинг халқ орасида обрўси ҳам бўлмасди. Бу ҳақиқатни мутлақо юрагимизда яшашмоғимиз керак, бу ҳақиқатни ҳеч қачон, ҳеч қандай мансаб, ҳеч қандай шон-шухратга алишмоқ мумкин эмас. «ЭРК» партияси бу ўзак ғоясини ҳимоя қилар экан, энг оғир синовлардан ўтди ва яна ўтишга тайёрдир.

Бугун «ЭРК» ҳукумат билан муро-са қилиши керак деган гаплар бор. Тўғри гаплар. Бу муро-сага бугун ҳам тайёрмиз. Шу кунгача ҳукумат билан муро-са қилган бир партия бўлса, бу «ЭРК» партиясидир. Ҳатто, баъзилар «ЭРК» ҳукумат билан бирлашиб кетди» деб, иғво ҳам қилди, лекин биз «агар ҳукумат миллат манфаати йўлида ишласа, унга ёрдам берамиз» дедик ва бу йўлдан қайтмадик. Лекин, муросанинг ҳам чеки бор. Гуноҳсиз одамларнинг турмага ташланиб, ҳибсга олинаётганини кўра туриб, юзлаб одамларнинг фақат ўз фикри бўлгани учун, бошқа эътиқодда бўлгани учунгина таъқиб остида яшаётганини, ишдан бўшатилаётганини кўра туриб, бу зулм билан муро-са қилиш - партиямиз ғояларига хиёнатдир.

Баъзи демагоглар «ЭРК» партияси расмий партия бўлиб қолиши учун бу зулмни қўллашни таклиф қиляптилар. Ваҳоланки, ҳозир гап расмий, ёки норасмий партия эмас, партия ҳақида кетяпти. Ўзбекистонда «ЭРК»дан бошқа 2 та партия бор.»ЭРК» партияси шу партиялар қаторида яшайдими? Яъни учинчи бир кўғирчоқ партияга айланайдими? Буни Худо кўрсатмасин.

«ЭРК» партияси таъқиқланган ҳолда ҳам, у партия бўлиб қолади, дунё олдида ўз обрўсига эга бўлади, унинг фикрини тинглайдилар, аммо у кўғирчоқ партияга айланса, мисқоллаб йиққан обрўмизни бир кунда йўқотамиз ва ҳукуматдан бошқа ҳеч ким бизни бир чақага олмайдиган бўлади. Яна бир марта такрорлайман, агар муросани шундай тушинадиганлар бўлса, «ЭРК»дан чиқиб, ўз партиясини курсинлар ва «ЭРК»ни бўлгамасинлар.

Энди ишга ўтайлик:

Қурилтойда ташкилий ишлардан бошқа, дастур ва Низомга киритиладиган ўзгаришлар бор. Бу хусусда фикрларингизни айтасиз деб умид қиламан. Менинг фикларим эса, бу хусусда қуйидагича: Низомда фақат аъзолик бадали даражасини ўзгартириш лозим.» Аъзолик бадали маош ёки степендия (пенсия) дан 1 фоиз олинади», деган мазмунда ўзгартирилса, менимча, кифоя.

Дастурдаги иктисод бўлимини бир оз очикроқ ёзиш керак. Тезис шаклида ёзилган «хусусий мулкка ер ҳам кирди» жумласи ўрнига мен шуларни таклиф қиламан:

«ЭРК» партияси ҳокимиятга келса, ерни босқичма-босқич хусусийлаштира бошлайди. Бу демак, бугун ижарага берилиб, фойда олинаётган ерлар биринчи навбатда хусусийлаштирилади, яъни ижарачиларга абадий берилади. Айни пайтда, колхоз системасидаги ерлар ижара шаклига ўтказилади. Бу ижарага берилган ерлардан олинган даромадга қараб, улар ҳам икки-уч йил ичида хусусий мулк сифатида ижарачиларга берила бошлайди. Баъзи коллектив хўжаликлар ўзини окласа, улар ҳам хусусий хўжаликлар билан бир қаторда яшайвериши мумкин, аммо, маълумки, шу сабаб «ЭРК» партияси колхоз системасининг келажаги йўқ деб билади, ўз сиёсатини шунга яраша юритади.

Ер хусусийлаштирилар экан, давлат бу янги хўжаликларни техникавий ашёлар билан таъминлаб беради. Улар оёққа тургунча, солиқдан озод қилинади ёки уларга солинадиган солиқ минимал даражага туширилади. Давлат кишлоқларда кичик корхоналар очишни рағбатлантиради, уларни зарур технологиялар билан таъминлашни ўз зиммасига олади. Хулоса қилиб айтганда, бу жабҳада асосий мўлжал индустрия ва оғир саноатга қараб олинади. Чунки, Ўзбекистон аҳолисининг 70 фоизи кишлоқда яшайди ва ер ислохоти муваффақиятли амалга оширилса, миллатнинг оғир аҳволда яшаётган 70 фоизи муаммосини ечган бўлаемиз.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Дастурдаги «ЭРК» ДП нинг ижтимоий сиёсати ҳақидаги тезисга қўшимча:

«ЭРК» партиясининг ижтимоий сиёсати ижтимоий адолатга қурилади, сўзда эмас, амалда қурилади. «ЭРК» партиясини қайси ижтимоий гуруҳ кўпрок норози бўлса, унга кўпрок эътибор бериб, қайсиниси жим турса, унга қарамаслик сиёсатини рад қилади. Давлат қаршисида ҳар бир гуруҳ теппа-тенг имтиёзга эга бўлади ва уларнинг ҳар бири миллий бойлик ва маданият неъматларидан тенг ҳуқуқда фойдалана оладилар.

### Дастурдаги экология масаласи бўйича тезисга қўшимча:

«ЭРК» партиясини табиат муҳофазаси ва пахта монокултураси оқибатларини йўқ қилиш учун кенг жабҳада кураш олиб бради. Зотан, ҳар бир нормал давлат ўз миллати соғлиғини ўйлаши лозим. «ЭРК» партиясини Ўзбекистондаги табиат ва инсон соғлиғи аҳволига дунё жамоатчилигининг эътиборини тортиб, бунинг бутун Ўрта Осиё учун иқтисодий ва сиёсий ислохотлари каби муҳим масала эканлигини англади, дунёдан ёрдам сўрайди. Бу иш бугунга қадар фақат жамоат кўмиталари гарданига юклатилмайди, балки бу иш билан бево-сита давлатнинг ўзи шуғулланади».

Энди қурилтойга яна бир таклиф: «ЭРК» партиясини қурилтойи жумҳурият президенти яна бир мурожаат қабул қилса. «Яна бир» деяётганимга сабаб, биз ўнлаб мурожаат қабул қилдик, аммо бир натижа бўлмади. Яна бир марта ҳаракат қилиб кўрайлик, эҳтимол натижа чиқиб қолар. Шундай мурожаат матнини таклиф қиламан:

«Хурматли, Президент, ҳатто бир-бирига ўқ отаётган, бир-бирини ўлдираётган тарафлар ҳам мулоқотга киришлари мумкин. Биз бир-биримизга ўқ отаётганимиз йўқ-ку, биз бир-биримизга ўқ отаётган даражадаги рақиблик эмасмиз-ку. Ҳар ҳолда «ЭРК» партиясини шундай деб билади ва ҳукуматга ҳеч қачон душманлик кайфиятида бўлмаганлигини билдиради.

«ЭРК» партиясини ҳукуматдан ўз ҳуқуқларини талаб қилиб келди, бундан кейин ҳам бу ҳуқуқларни талаб эта-жак. Фақат шунинг ўзигина айб бўлса, «ЭРК» партиясини абадий айбдор бўлиб қолаверади, чунки у инсон Эркинлиги ғоясини ҳеч қачон сотмаяжак.

Хурматли Президент!

«ЭРК» партиясини бор-йўғи муҳолифат партиясини, Сизга қарши душманлар армияси эмас. Бунинг Президент сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам тушунишингизни истаимиз. Мулоқот учун Сизнинг шартларингиз нима, биз шуни билмоқ истаимиз.

Бизнинг шартларимиз эса қуйидагича:

«ЭРК» партиясининг тортиб олинган бутун мол-мулки қайтиб берилса;  
«ЭРК» газетасини янгидан чиқарила бошласа, цензура ҳокимлиғи йўқотилса;  
Ҳақсиз айланган «ЭРК»чилар оқланса, тазйиқ - таъқиблик тўхтатилса;



Муҳолифат партиясини сифатида «ЭРК»га ҳам телевидения-радио ва матбуотдан ўрин берилса;

Муҳолифат ўз танқиди учун таъқиб қилинмаса, бунга қанолат берилса, яъни Ўзбекистонда ҳам бутун дунёдаги каби, ўзга фикр ва ўзга эътиқодли гуруҳларга бугун конституцион ҳуқуқлар берилса;

«ЭРК» партиясини Сизнинг, ҳукуматнинг энг яхши ишларини қўллаб-қувватлайди ва бунинг муҳолифат ўларок, ўзига уят эмас, шараф деб билади.

«ЭРК» демократик партиясини 4-қурултойи. Тошкент шаҳри»

Президентга мурожаатнинг матни шу. Фақат уни дипломатик шаклга сола-миз, деб ўзгартиришлар киритиш, менимча, лозим эмас. «Мурожаат» етарли даражада дипломатик ёзилган. Унда Президентимизнинг бутун иззат-хурмати сақланган.

Фикрлар бўлса, қўшилсин, фақат мазмуни ўзгармасин, бу менинг қурултой катнашчиларидан илтимосим. Агар бу мурожаатга ҳам жавоб ололмасак, биз ўз фаолиятимизни аввалгидай давом эттира-миз. Эҳтимол, бу оғир босқич, баъзи «ЭРК» аъзоларини чарчатгандир, эҳтимол, улар «ЭРК»га кирганларидан афсусланаётгандирлар. Улар ҳеч тортинамасдан ўз аҳволини айтишлари лозим. Агар вақтинча партия аъзолигидан чиқиб туриш уларнинг аҳволини яхши-ласа, чиқиб турсинлар, лекин ҳеч ким уларни «қўрқоқликда» айбламасин. Бу менинг Сиз «ЭРК»чилардан илтимосим. Чунки ҳаммадан бир хил куч, бир хил фидокорлик талаб қилишга ҳаққимиз йўқ. Сафимизда чидаганлар қолсин. Чидамаганларга эса шу кунгача чидагани учун раҳмат айтайлик, дўстларча муносабатда бўлайлик. «Сафимиз озаиди», дея ташвиш чекман ва шуни билинг-ки, бизга қўшилмаган миллионлаб одамлар бор, аммо ичида биз билан яшаштилар, биздан умид қилаштилар. Бизга куч бериб турган ҳам ўшаларнинг умидидир. Биз уч йил давомида ёлғиз шу умидни ҳис этдик ва шу миллат учун яшадик, бундан кейин ҳам, иншооллох, шундай яшашаяжамиз.

Ва ҳеч шубҳа йўқ-ки, ёруғ кунлар яқин, ЭРК деб юрганлар бу ёруғликка энг юзи ёруғ инсонлар сифатида чиқажак. Бугунги чекаётган заҳматларингиз шу ойдин куннинг тамалидир.

Хурматли дўстлар, энди мен ўзим ҳақимда бир неча сўз айтмоқчиман. Мен Ўзбекистондан вақтинча чиқдим. Проку-

рор Жўраев айтганидай суддан қочганим йўқ, чунки мен ўзимни айбдор деб билмайман. Агар Ўзбекистон суди «Миллий мажлис» бўйича мени судламоқчи бўлса, мен тайёрман, фақат битта шартим бор: судда чет эл журналистлари ва адвокатлари иштирок этсин. Бунинг мен ўзим таъминлашим мумкин.

«Миллий мажлис» айбномаси мутлақо сохтадир. Бунга мисол «Миллий мажлис» ташаббусчилари ўз лойиҳаларини Президентга ҳам юборганлар. Давлат тўнтарадиган одамлар «Хурматли Президент, биз сизнинг давлатни тўнтармоқчи эдик, лойиҳасини кўриб беринг» дейдими? Ёки, иккинчи мисол: Прокурор Жўраев «Миллий мажлис» программаси ҳақида шундай дейди: «Бу хужжат ҳаммага маълум, бошқа манбалардан кўчириб олинган умумий гаплардан иборат бўлиб, унда биронта янгилик йўқ».

«Миллий мажлис»нинг асосий хужжатидаги гаплар ҳаммага маълум бўлса, бу ҳам етмагандай, бошқа манбалардан олинган бўлса, бу гапларнинг нимаси жиноят?

Ўзбекистондан чиқиб кетганимга сабаб, сиёсий фаолиятни тўхтатмаслик эди (зотан бундай фаолият Ўзбекистонда мутлақо мумкин эмас, ўзингиз кўриб турибсиз). Кейинги уч ой ичида мен Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Олмонияда сафарда бўлдим, «ЭРК» партиясини тарғиб этдим. Мени «ЭРК» партиясининг раиси сифатида Америка давлат Департаментида ва Ок уйда қабул қилишди. Шунингдек, Америка Сена-ти сенаторлари билан ҳам кўришдим. Франция Сенатида Ўрта Осиё бўйича масъул сенатор билан мулоқотда бўлдим. Хулосам шу бўлдики, Ўзбекистоннинг ички сиёсати бирорта Ғарб давлатида қўллаб-қувватланаётгани йўқ. Бу ачинарли бир ҳолдир. Ачинарли, чунки биз муҳолифатдаги партия ўларок, Ўзбекистоннинг дунё олдида обрўси баланд бўлишини истаимиз. Мен мулоқотда бўлган ғарб сиёсатчилари «ЭРК» партиясининг конструктив муҳолифат позитсиясини сиёсий қўллаб қувватлашга ваъда қилдилар.

Шу кунларда мен партиямизнинг янги программаси устида ишляпман. Чунки, 1990 йилда қабул қилинган программа тан олиш керак, бир оз эскирди. Бўлажак программа консепсиясини янги вазият ва келажакда ўртага чиқиши муқаррар бўлган сиёсий-иқтисодий муаммоларни ҳисобга олган ҳолда тузилмоқда. Унинг лойиҳасини яқинда оласизлар.

Бундан ташқари, Ниҳоят газетаимизни нашр қилиш учун ҳаракатларимиз бор. Иншооллох, «ЭРК» газетини янги 1994 йилнинг бошидан чиқара бошлаймиз.

Хурматли дўстлар, шуни қайта та-ққорлайман, ҳатто «ЭРК» партиясини таъқиқлаб қўйсалар ҳам, уни йўқотиб бўлмайди. У мавжуд, у яшашаяжак! Биз Президентга очик кўнгли билан, яхши ният билан мурожаат қилдик.

Сизларга омонлик тилайман -  
МУҲАММАД СОЛИҲ  
1993 йил, сентябр

**СЎЛАК БЕЗИ ТИЗИМИ ВА КАСАЛЛИКЛАРИ***(Давоми: Боши ўтган сонларда)*

Сўлак безлари организмда ишлаб чиқарилган гормонларни тўғридан-тўғри қонга аралаштиради. Шу тарзда гормонлар энг қисқа вақтда организмнинг барча хужайраларига етиб боришади.

Организмнинг руҳий ва жисмоний функцияларининг назоратда ушлаб турилиши, тизимлар ва аъзолар ўртасидаги мувозанатнинг муҳофаза қилиниши, хужайрадаги ишловларнинг назорат қилиниши, тўқималарнинг озикланиши ва янгилалиниши, қолдиқларнинг вужуддан чиқариб ташланиши ва шунга ўхшаш барча ишловларнинг тартибли тарзда амалга ошиши фермент ва гормонлар воситасида қилинади.

Шундай экан, синтетик гормон ва ферментларни қабул қилган киши бу моддаларга қарам бўлиб қолади, синтетик модда ёрдамида бошқариладиган риботга ўхшаб қолади.

Соғлом бўлиш учун камчиликсиз ишлайдиган ва бир-бири билан уйғун ишлайдиган сўлак безлари тизими зарур.

Биргина сўлак бези фаолиятининг издан чиқиши барча безларнинг ва бадандаги барча ишловларнинг мувозанатини бузади. Аммо фақат сўлак безинигина “даволаш” бекорга вақт кетказиш, ҳатто зарарли ишдир. Тўғридан-тўғри сўлак безини тuzатувчи даво йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

**Қандли диабет касаллиги**

Диабет дунё аҳолисининг 2,5% да учрайди. Статистик маълумотларга кўра, ўлимга олиб борувчи касалликларнинг аксариятига замин яратувчи диабет яшаш аъзоларида жиддий ва турғун касалликларга йўл очади.

40 ёшгача юрак хуружини бошидан кечирган кишиларнинг 51%-ида қондаги шакарнинг юксак бўлиши аниқланган

Организмимиз биз еган озуқанинг аксариятини жигарда шакарга, яъни глюкозага айлантиради. Ишлаб чиқарилган шакар қисман жигарда тўпланadi, қисман қонга қоришади. Ошқозон ости бези томонидан ишлаб чиқариладиган инсулин гормони ҳам қонга қоришиб кетади. Қондаги шакар инсулин билан бирлашганда, карбонгидратларнинг 3-чи ҳазми ниҳоясига етган бўлади.

Инсулин шакарни организмдаги барча хужайраларга ташийди.

Хужайраларга кирган шакар хужайралардаги энергия марказларига жўнатилади. Энергия марказларида шакардан организм қилиши керак бўлган ишлар учун энергия ишлаб чиқарилади.

Мана шу ерда карбонгидратларнинг 4-чи ҳазми яқунланган бўлади.

Шундай экан, қанд касаллиги карбонгидратларнинг 3-чи ҳазмининг етишмаслиги ёки йўқлиги билан боғлиқдир. Диабет касалликлари икки гуруҳга бўлинади:

1-чи турдаги диабет инсулинга боғлиқ бўлган диабетдир.

Мазкур турдаги диабет ҳар 10 диабетик беморнинг биттасида учрайди, ёш пайти бошланади ва ошқозон ости бези фаолиятининг қаттиқ бузилиши сабабли келиб чиқади. Масалан, эмлашда муҳофаза қилувчи (сакловчи) сифатида тимеросал, алюминий гидроксит ва формалдегид ишлатилади. Мана шу уч модда ошқозонности бези тўқималарини бузса, 1-чи турдаги диабетга сабаб бўлади.

Бундай беморларда ошқозонности бези кам инсулин ишлаб чиқаради ёки умуман ишлаб чиқармайди. Замонавий тиббиёт бундай диабетни инсулин билан даволайди. Бу турдаги диабетнинг белгилари: тез-тез оч бўлиш, кўп сув ичиш, тез-тез кичик ҳожатга чиқиш, тез вазн йўқотиш, озиш. Бу белгилар кўпинча бирданига пайдо бўлади.

1-чи турдаги диабетнинг давоси:

Инсулин икки йилдан кам қўлланган, оз бўлса ҳам организмди инсулин ишлаб чиқара олган касаллар, яъни 1-турдаги диабет билан оғриган кишилар соғлигини тиклай олишлари мумкин. Йиллар давомида инсулин қўлланган кишиларда эса биринчи планга диабет эмас, инсулинга боғлиқлик муаммоси чиқади

Инсулинни камайтириш ёки инсулиндан қутилиш учун аввал овқатланиш одати тартибга солинади. Овқат ўрнига янги чиққан сабзавотлар, тарвуз ва мева истеъмол қилиш керак. Бу тарзда озикланган кишилар инсулинга оз эҳтиёж сезади. (“Касалликларнинг сабаблари” ва “Таом ва ичимликлар” бўлимларига қаранг.)

Ёш беморлар жигар, қон ва буйракни тозалаш каби зарур тозалашларни амалга оширгандан сўнг, ўзини оч юришга ўргатиб боришлари ва шу тарзда инсулиннинг миқдорини камайтиришлари керак. Очлик муддати 8 соатдан бошлаб, олдинга 12 соат, кейин эса 24, 36, 48, 72 соатгача узайтириш ва инсулинни камайтиришлари керак.

Ундан кейин ҳар ҳафтада 1 кунлик ва ҳар ҳижрий ойнинг 13-чи, 14-чи, 15-чи кунлари 3 кунлик очликлар қилиши, бунда камида 2 йил қилишлари керак.

Очлик қила олмаганлар белгиланган очлик кунларини овқат емасдан, мева сабзавот сувларини ичиб ўтказишлари керак.

Юқорида келтирилган дорилар бир вақтнинг ўзида озуқа ҳамдир. Шу сабабдан, ҳар ҳафтада мавсумига кўра озуқа сифатида фақат ўша дориларни истеъмол қилиш катта фойда келтиради.

Бу тур беморлар буйрак зарарланиши ва организмда туз йиғилишдан сақланиш учун аслида умр бўйи ҳафтада 2 кунлик доимий 36 соатлик очликлар қилишлари керак. Бунда қила олмасалар, ҳафтада бир кун, уни ҳам қила олишмаса, ҳафтанинг икки кунини фақат мева ва сабзавот сувларини ичиб ўтказишлари керак. Мева ва сабзавотлар

сувларининг рўйхати қуйида келтирилган.

2-чи турдаги диабет инсулинга боғлиқ бўлмаган диабетдир.

Бу турдаги диабет асосан балоғат ёшларидаги кишиларда, вазни ва обезитга (семизликка) йўлланган кишиларда учрайди. 10 та диабетик бемордан 9 тасида инсулинга боғлиқ бўлмаган диабет учрайди. Лекин кейинроқ бу турдаги диабет ҳам инсулинга боғлиқ бўлган диабетга айланиши мумкин.

Мазкур диабетда ошқозон ости бези инсулин ишлаб чиқаради, фақат ишлаб чиқарилган инсулиннинг миқдори етарли бўлмайди ёки организм томонидан етарли даражада ишлатилмайди.

Белгилари: тез-тез касалланиш, теридаги кесиклар ёки яраларнинг қийинчилик билан битиши, тез-тез кичик ҳожатга (сийишга) қатнаш, сийдикнинг рангсиз ва кўпикли бўлиши, иштаҳанинг ошиши, тез-тез сувсираш, хира кўриш ва чарчоқликдир.

Аёлларда ҳомилдорлик даврида қонда шакарнинг юксалиши, 4 килограмм атрофидаги вазндаги чақалоқни туғишлари 2-чи турдаги диабет мавжудлигидан далолат беради.

2-чи турдаги диабет ҳам икки гуруҳга бўлинади.

Биринчиси, шакар мувозанатсизлигидан бошқа нарса эмас ва диабетик беморларнинг аксарияти мана шу гуруҳга қиради.

Аралаш таом еганлар, кўшимча моддали овқат истеъмол қиладиганлар, гидрогенлаштирилган ёғларни ишлатадиганлар, овқатдан кейин мева еб, сув ичадиганлар, овқатни оз чайнайдиганлар, тез ейдиганлар, кўп қаҳва ичадиганлар олдинга ҳазмсизликка йўлқишади, кейин шакар мувозанатсизлигига дучор бўлишади.

Чунки аралаш ейилган овқатларни парчалаш учун зарур бўлган ферментлар бир-бирига зид бўлади. Бир-бирига зид ферментлар овқатни парчалаш ўрнига, бир-бирини йўқота бошлашади ва инсулинга бўлган эҳтиёжни оширадилар.

Бу ҳолда қонда шакарнинг юксалиши инсулин озлиги туфайли эмас, инсулинга эҳтиёж ошгани сабабли юз беради.

Баъзан оддий озикланишни тартибга солиш шакар мувозанатини тиклаш учун етарли бўлмоқда. Бу турдаги беморларда овқатланиш тартиби тўғриланади, ичаклар даволанади, жигар тозаланади, кимёвий дори қабул қилиш тўхтатилади, қон олдирилади ва шакар қайтиб тикланмайди.

Касалликнинг тез ва амин тарзда ўтиши учун даволаниш қоидаларига риоя этиш керак.

2-чи турдаги диабетик касалларнинг иккинчи гуруҳида: ошқозонности бези табиий инсулинни меъёрида ишлаб чиқаришни давом эттиради.

Инсулин қондаги шакарни хужайралар билан таништирилади ва уни ичкарига олиб киришга руҳсат сўрайди.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

## СЎЛАК БЕЗИ ТИЗИМИ ВА КАСАЛЛИКЛАРИ

(Давоми: Боши Олдинги саҳифада)

Хужайралар баъзан бунга рухсат беришади, шакарни ичкарига олишади, аммо кўпинча “йўқ” жавобини беришиб, эшикларини очмайдилар.

Бу ҳолда шакарнинг хужайраларга кириши камаяди ва натижада шакар қонда қолиб кетиб, шакар миқдори кўтарилди бошлайди.

Бу турдаги диабет, асосан, 40 ёш атрофидаги кишиларда кўп учради, энди ёшлар орасида ҳам кенг тарқалмоқда.

Бу турдаги диабетга сунъий ширинлаштирувчи моддаларни ўз ичига олган таомларни ейдиган ва ичимликларни ичадиган кишилар, гени ўзгартирилган жўхори, гуруч ва буғдой маҳсулотларини истеъмол қиладиган кишилар кўпроқ дучор бўлишмоқда. Бу хил таом ва ичимликлардаги шакар табиий бўлмагани сабабли хужайралар уни танимади ёки унга душман сифатида қарайдилар.

Сунъий шакарни хужайраларга киритишга авваллари ишлатилган, чўчкадан олинган табиий инсулиннинг ҳам кучи етмади.

Замонавий тиббиётда бу диабетни “инсулинга қарши тураолган диабет”, дейилади ва бундай диабет билан оғриган беморларга сунъий инсулин қўлланилади. Сунъий инсулин сунъий шакарни киритмаган хужайраларнинг эшикларини синдириб, сунъий шакарни хужайралар ичига тиқиштиради. Ва юқорида айтилганидек, хужайралар глюкозани ёқилғи сифатида ишлатиб, организмнинг берча эҳтиёжлари учун керак бўлган энергияни ишлаб чиқаришади. Ишлаб чиқарилган ана шу энергия - хужайраларнинг зикридир.

Хужайра зикрининг хусусияти ишлатилган глюкозанинг (ейилган луқманинг) хусусиятига боғлиқдир. Глюкозанинг (ейилган луқманинг) хусусияти ўзгарганда, унинг маҳсулоти бўлган хужайранинг зикри ҳам ўзгаради.


Бу ҳолатда сунъий инсулин во-ситасида хавфли ташки моддаларни хужайрага киритиш, бу тарзда метаболизм ва иммунитет тизими қонунларини бузиш, хужайраларнинг зикрини ўзгартириш - турган битган зулмдир. (“GMO” бўлимига қаранг.)

Дунёда инсулинга муҳтож қандли диабет билан оғриган беморларнинг аксарияти қуйидаги гуруҳларга бўлинадилар:

GM маҳсулотини кўп истеъмол қиладиган америкаликлар;

Кон гуруҳи “В” бўлган сабабли GM маккажўхори маҳсулотларини ҳазм қила олмайдиган, аммо маккажўхори маҳсулотини кўп миқдорда истеъмол қиладиган, келиб чиқиши Африкадан бўлган америкаликлар;

Ўз мамлакатларида табиий таомларни оз еб, Европа ва Америкага келиб, озикланиш одатини ўзгартирган осиеликлар;



Туркияда шу онда 100 килограмм шакарга қўшилаётган ширинлаштирувчи модда миқдори 15 килограммга чиқиб, оммавий зарарланиш даҳшатли тус олган. Америкадан келтирилган GM жўхориларидан ширинлаштирувчи модда ишлаб чиқарадиган ширкат Туркиядаги бу нисбатни, яъни 15 килограммни кам деб ҳисобламоқда ва уни 45 килограммга етказмоқчи!

Бугунги кунда Туркияда 486 минг тонна сунъий ширинлаштирувчи ишлаб чиқарилмоқда. Туркияда шакарга қўшилаётган ширинлаштирувчи модда миқдори 15% даражасида қандли диабет касаллиги шунчалик кенг тарқалган бўлса, бу миқдор 45% га чиққанда, касаллиқнинг тарқалиш миқдосини тасаввур қила оласизми?...

2-чи турдаги диабетнинг давоси Эрталаб соат 06-07 да бир стакан лимон ёки грейфрут суви сув билан аралаштирилиб, ичилади. 1-3 дона саримсоқ ютилади.

Оч қолганда 50 гр қизил лавлаги суви + 150гр исмалоқ суви аралашмаси ёки 150 гр семизўти суви + 50 куруқ пиёз суви аралашмаси, ёки 150 гр исмалоқ суви + 50 гр куруқ пиёз суви қоришмасини ичиш бошланади ва пешингача 2-4 стакан ичилади. Ҳар сафар 1-3 дона саримсоқ ютилади.

Оч қолганда 1-5 дона саримсоқ юти-либ, 30-50 гр соф зайтун ёғи + 30-50 гр лимон суви ичилади.

Овқатдан ярим ёки бир соат олдин 3 дона аччиқ бодом 3 дона ширин бодом билан бирга ейилади.

Овқат (соат 16.00-17.00) - гўшт, балиқ ёки тоза уй тухуми салат ёки сабзавот таоми билан бирга ейилади. Овқат билан ёки овқатдан сўнг 1-5 дона саримсоқ ютилади. Саримсоқ ўрнига пиёз еса ҳам бўлади.

Кечқурун (соат 21.00-22.00) - бир чой қошиқ кичитки ўти уруғига ёки кичитки ўтининг ўзига бир хил миқдорда седана ва 1/4 чой қошиқ занжабил қўшилади ва сув билан ичилади.

4 ҳафта давомида шу тарзда овқатланиш давом этади. 4 ҳафтадан кейин кичитки ўти уруғи ва сабзавот сувининг ўрнига ёзги олхўри, анжир, узум ёки тарвуз ейилади.

Мазкур 4 ҳафта ичида ҳар душанба ва ҳар пайшанба 1 кунлик очлик қилинади. Ҳар очлик куни кон олдирилади.

Кон олдириш (хожамот) қуйидаги тартибда амалга оширилади:

Курак суякларни ораси ва усти; • Бош; • Бел ва думғаз; • Тиззалар; • Тўпиклар; • Такроран бош; • Елкалар; • Такроран курак суякларининг усти ва ораси; • Такроран бел ва думғаз.

Бу 4 ҳафтанинг якунида 3 кунлик очлик қилади.

3 кунлик очликдан сўнг 4-чи кун мева суви ичиб, жигарни тозалаш амалга оширилади. (“Жигарни тозалаш, 3-чи кун” бўлимига қаранг.)

Жигар тозалангандан бир ҳафта ўтгач, буйракни тозалаш амалга оширилади ва бир ҳафта сўнг 3 кунлик очлик (рўза) 7 кунлик танаффуслар билан 21 марта такрорланади.

Қуйида берилган жойларга 3-4 ҳафтада бир мартаба 7 дона зулук қўйилади:

Қулоқлар орқаси ва бошнинг тепасидан бурун бошланишига қараб; • Курак суякларининг устига ва курак суякларни орасига; • Анусга; • Оёқларга.

Зулуклар тушгандан кейин ҳар кесик устига 1-3 марта банка қўйиб, вакумлаш лозим.

Бешинчи 3 кунлик рўзадан кейин жигар тозалаш такроран амалга оширилади.

Бундан сўнг умр бўйи озикланиш қодаларига зид равишда овқатланишдан қочиш керак ва ҳар душанба 36 соатлик очлик ўтказишда давом этилади.

Диабет муолажасида доимий қўлланиладиган дорилар:

Ҳар куни эрталаб 1-3 дона лимон суви ичилади ёки пўстлоғи билан бирга ейилади. Лимон ўрнига грейфрут ҳам бўлиши мумкин.

Ҳусусан, қиш ойларида ҳар кун 3-5 дона аччиқ бодом 3-9 дона ширин бодом билан биргаликда қўлланилади. Бунинг ўрнига 2-4 ҳафта мобайнида кунига бир-икки марта 1/2 чой қошиқ янги янчилган қора хантал уруғини оч қоринга сув билан ютиш ҳам асосан кон гуруҳи “А” ва “АВ” бўлганлар учун жуда яхши натижа бериши мумкин.

3-9 тилим саримсоқ ютилади ва егулик билан бирга давомли қўлланилади.

Йилда 1-2 марта 40 кунлик курслар давомида ҳар куни эрталаб 1-2 ош қошиқ янги униб чиққан арпанинг нишонаси ейилади.

### ОЙДИН СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)



“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Йўлдош**